

**Меҳнат
қилиб топганинг,
Қанду асал
тотганинг.**

Ўзбек халқ мақоли



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2014-yil 22-yanvar, chorshanba № 7 (8656)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори

2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этади, 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини мақсадга йўналтирилган ҳолда ва тизимли амалга ошириш натижасида **ўсишнинг барқарор юқори суръатларини, макроиқтисодий мувозанатлиликни сақлаш, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш таъминланди.**

Мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,8 фоизга, пудрат қурилиш ишлари ҳажми 16,6 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 13,5 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 14,8 фоизга ўсди. Ялпи ички маҳсулотнинг таркибида хизматлар кўрсатиш улуши 53 фоизгача ўсди.

Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноздагидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

2013 йилда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми эквивалентда 13,0 миллиард долларни ташкил этиб, 2012 йилдагига нисбатан 11,3 фоизга ўсди. Хорижий инвестициялар ҳажми 3,0 миллиард АҚШ долларида ортиқ бўлди, унинг 72 фоизидан ортиги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Инвестиция дастури доирасида ишлаб чиқариш йўналишида умумий қиймати қарийб 2,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этган 150 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди.

Ишлаб чиқариш чиқимларини рационаллаштириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирларининг амалга оширилиши натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини ўртача 11,2 фоизга, ялпи ички маҳсулотнинг энергия сарфи кўрсаткичини эса 15,3 фоизга пасайтириш таъминланди.

Жаҳон бозори конъюнктурасининг беқарорлигига қарамай, экспорт ҳажмининг 10,9 фоизга ўсиши таъминланди ва ташқи савдо айланмасининг 1,3 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi ижобий сальдосига эришилди. Жами экспорт ҳажмининг 72 фоизидан ортиги хом ашё бўлмаган товарларга тўғри келди.

Республиканинг банк тизими барқарор фаолият кўрсатмоқда, унинг капитал етарлилиги даражаси минимал халқаро стандартлардан 3 баравар ортиқ миқдорда сақланиб қолмоқда, ликвидлиги эса энг юқори талаблардан 2,2 баравар кўпдир. Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга кўпайди, кредит портфели жами суммасининг 80 фоизга яқини ички манбалар ҳиссасига тўғри келади.

Қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кичик бизнес соҳасини янада ривожлантиришга кўмаклашди. Кичик тадбиркорлик соҳасида 26 мингтадан ортиқ янги субъект ташкил этилди, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 55,8 фоизгача ўсди.

Аҳоли бандлигини ошириш дастурини бажариш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар 2013 йилда қарийб 970 минг нафар кишининг ишга жойлаштирилишини таъминлади, улардан 60,3 фоиздан ортиги қишлоқ жойларга тўғри келади. Касб-хунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчилари ишга жойлаштирилди.

Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. 2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса — 16 фоизга ўсди. Аҳоли жами даромадларининг ярмидан ортиги тадбиркорлик даромадлари улушига тўғри келади.

Қишлоқ жойларда 353 та мавзеда умумий тура-жой майдони 1,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган 10 мингта шинам уйлар қурилди, бу ўтган йилдагига нисбатан 17 фоиз кўпдир.

Шу билан бирга, тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш, бизнесни юритиш шарт-шароитлари юзасидан қабул қилинаётган ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳали эркин бозор иқтисодиёти талаблари ва тамойилларига, умумий қабул қилинган халқаро нормаларга мувофиқ эмас.

Ишлаб чиқариш чиқимларининг, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга материаллар ва энергия сарфи-

нинг юқорилиги, шунингдек, солиқ имтиёзлари ва преференцияларга ҳаддан ташқари берилиш рақобатбардошлиликни оширишда жиддий тўсиқ бўлмоқда. 140 тадан ортиқ корхона, жумладан, 67 та йирик корхона ҳанузгача зарар кўриб ишламоқда.

2. Мамлакатни узоқ муддатли ривожлантиришнинг дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, қуйидагилар 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодиётни ўстиришнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш бўйича қабул қилинган стратегияни давом эттириш, бунинг учун мавжуд резервлар ва имкониятларни сафарбар этиш;

саноатда юқори технологияли ва замонавий бўлган энг муҳим объектлар ҳамда қувватларни ишга тушириш, инвестиция жараёнини ошириш ва тақомиллаштириш;

мамлакатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ва модернизациялашнинг, жаҳон бозорларига чиқишнинг асосий омилли ҳисобланган тўлақонли рақобат муҳитини шакллантириш;

ишбилармонлик муҳитини ("бизнес билан шугуллан" тамойили бўйича) шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш;

(Давоми 2-бетда.)

2014-yil — Sog'lom bola yili



Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги "Эркатой" мактабгача таълим муассасасида 140 нафар ўғил-қиз тарбияланмоқда.

"Шўртангазиме" мажмуаси тасарруфидаги мазкур муассасасида 15 нафар педагог-тарбиячи болажонларга илгор педагогик усуллар, интерфаол ўйинлар кўмагида сабоқ бермоқда. Инглиз тили, мусиқа, рақс, шахмат, шашка, гимнастика

тўғрақлари ишлаб турибди. Спорт зали замонавий анжомлар билан жиҳозланган. Буларнинг барчаси дастлабки билим ва тушунарларни катта қизиқиш билан эгаллаётган ўғил-қизларнинг спортга, санъатга ошно бўлишига ҳам сабаб бўлаётди.

Суратда: "Эркатой" мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари Ҳасан Жўраев ва Зухра Жўраева.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ — ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

Бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳоли ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада яхшилашда катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигининг ҳамкорликдаги ишлари дастурига асосан бюджет ташкилотларининг бюджет интизомига риоя этишига оид назорат-таҳлил тадбирлари тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги юқорида қайд этилган дастур ижросини таъминлаш мақсадида 2013 йилнинг тўртинчи чорагида республика ва маҳаллий бюджет томонидан молиялаштирилаётган ўн тўққизта ташкилотда режалли текширув ўтказди.

Республика ихтисослашган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида ўтқа-

зилган текширув чоғида мижозларга имтиёзли тиббий хизмат кўрсатиш учун ажратилган бюджет маблағларидан фойдаланиш, пулли тиббий хизматлар тарифларини қўллаш, овқатланиш учун тасдиқланган ҳисоб-китобга риоя этиш, иш ҳақи тўлаш ва бошқа ҳолатлар юзасидан молиявий ҳуқуқбузарликлар аниқланди.

Ҳўжалик ҳисоби асосида ташкил этилган 20 ўринга мўлжалланган "Эндокринология" ва 16 ўринга мўлжалланган "Нейрохирургия" бўлимлари таъминоти учун 246,5 миллион сўмлик бюджет маблағлари ортиқча сарфланган.

(Давоми 5-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори**2013 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, уй-жойлар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим жараёнини ва соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишни давом эттириш ва такомиллаштириш;

"Соғлом бола йили" Давлат дастури-ни амалга ошириш.

3. Вазирлар Маҳкамаси 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсин, тегишли вазирликлар, идоралар, ишлаб чиқариш тизимлари ва иқтисодий тизимлар раҳбарларининг айрим иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларини йилнинг ҳар чорагида айтиб бориш.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари — Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари вазириликлар, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар ва йирик корхоналар — бюрократлар, пудрат қурилиш ташкилотлари билан биргаликда икки ҳафта мuddатда 2014 йилги Инвестиция дастурида назарда тутилган объектлар ва ишлаб чиқариш қувватлари қурилишини тугаллаш ва ишга туширишнинг тармоқ ҳадваларини тасдиқласинлар.

Вазирлар Маҳкамаси Инвестиция дастурининг амалга оширилишини йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Гуськова), Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Абдуҳакимов) манфаатдор тизимларини жалб этган ҳолда уч ой мuddатда ҳар бир норентабел корхона бўйича уларни молиявий инкироздан ва амалдаги банкротликдан чиқариш дастури — "йўл хариталарини" ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар. Ҳолатига молиявий соғломлаштириш бўйича таклиф этилаётган чора-тадбирлар ижобий таъсир кўрсатмайдиган корхоналар "нолга тенг қиймат" бўйича хусусий тадбиркорларга сотилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.У.Розуқов, Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Юсупов), Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Абдуҳакимов), Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги (Ганиев):

Тошкент трактор заводи, "Агрегат заводи", "Нирчиққишлоқмаш", "Оникс" очик акциядорлик жамиятларининг ишлаб чиқариш ва молия-ҳўжалик фаолияти ҳолатини икки ой мuddатда танқидий ўрганиб чиқсинлар ва уларни янда ривожлантириш, рентабеллигини ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсинлар, бунда жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб этган ҳолда тармоқни модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш, корхоналар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда қишлоқ ҳўжалиги машина-асозлиги холдинг компаниясини ташкил этиш чора-тадбирларини назарда тутсинлар;

жорий йилнинг 1 февралига бўлган мuddатда Вазирлар Маҳкамасига "Ўзлэхсанот" уюшмасини акциядорлик компаниясига айлантириш бўйича таклифларни ҳамда 2014—2018 йилларда электротехника сановатини ривожлантириш дастурини киритсинлар, бунда электр-маиший товарларни ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилиш бўйича уларнинг турлари ва ҳажмларини тубдан кенгайтириш чора-тадбирларини назарда тутсинлар.

7. Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова)

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (Абдуҳакимов), Марказий банк (Муллажонов), Молия вазирлиги (Гуськова), Адлия вазирлиги (Йўлдошев), Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (Мирзохидов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари билан биргаликда икки ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига:

қонун ҳужжатларида ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хусусий мулк тушунчасини ва унинг нодавлат мулкдан фарқини аниқ ифодалаш, қабул қилинган қонунларга мувофиқ иқтисодиётнинг хусусий сектори устуворлигини, уни қўллаб-қувватлашни ва унинг дахлсизлигини амалда таъминлаш;

тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш учун турли рўхсат бериш тартиботларининг мuddатларини янада қисқартириш, уларни соддалаштириш ва арзонлаштириш, тадбиркорлик йўлидаги ортика бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва уларга йўл қўймаслик;

рўхсат бериш ва лицензиялаш тартиботларини расмийлаштиришни электрон шақлга ўтказишни жадаллаштириш, коммунал хизматларни, шунингдек, солиқ солиш ва боғжонада расмийлаштириш хизматларини интерактив тарзда кўрсатиш бўйича таклифлар киритсин.

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг бизнесни юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги рол ва масъулиятини оширишда алоҳида эътибор қаратилсин.

8. Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Давлат боғжона қўмитаси (Дусанов), Давлат статистика қўмитаси (Тўраев) раҳбарлари зиммасига ҳисоботларни тақдим этиш ва ҳужжатлар айланишининг электрон шақлга ўтиш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (Мирзохидов) ушбу ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминласин ва уларни амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатсин.

9. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (Мирзохидов):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2013—2020 йилларда телекоммуникация технологияларини, алоқа тармоқлари ва инфратузилмаларини ривожлантириш дастурининг 2014 йил учун белгиланган тадбирларини сўзсиз бажариш бўйича қўшимча чора-тадбирлар кўрсин. Дастурнинг амалга оширилиши йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар, уюшмалар, компаниялар ва йирик корхоналар билан биргаликда Иқтисодиётнинг реал секторига ахборот-коммуникация технологияларини ва ахборот тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари дастурини бир ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

жорий йилнинг I чораги мубайнида Тошкент ахборот технологиялари университетида ва унинг минтақавий филиалларида компьютер техникасида ва Интернет тизимида ишлаш, замонавий коммуникация технологияларини эгаллаш бўйича малака ошириш курсларини ташкил этсин.

10. Марказий банк (Муллажонов), Молия вазирлиги (Юсупов), Давлат солиқ қўмитаси (Парпиев), Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси (Мирзохидов) бошқа манфаатдор тизимлар билан биргаликда икки ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига электрон тижоратни кенгайтиришга доир таклифлар киритсинлар ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахририни тайёрласинлар.

11. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги (Хамроев), Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Молия вазирлиги (Юсупов), Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси (Юсупов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда 2013—2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан қўшимча тадбирлар ишлаб чиқсинлар.

Вазирлар Маҳкамаси Дастурининг бажарилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсин ва унинг амалга оширилишини йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамаси Президиуми мажлисларида кўриб чиқсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, "Давархитектурилиш" қўмитаси (Тохтаев), Молия вазирлиги (Юсупов), "Қишлоқ қурилиш банк" ва "Қишлоқ қурилиш инвест" компанияси:

жорий йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибда уйлар қуриш дастури бўйича молиялаштириш шу йил 10 февралгача очирилиши ҳамда уй-жойлар қурилиши шу йил 15 мартгача бошланишини таъминлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўрсинлар;

қишлоқ посёлкаларини барча зарур муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор тизимлари объектлари — тиббиёт, спорт, банк, маиший хизмат, савдо ва маданият муассасалари билан таъминлашга, уларда яшаш шартлоқларининг сифат ва шималик жиҳатидан шаҳар шартлоқларидан қолишмайдиغان бўлишига алоҳида эътибор қаратсинлар.

Қурилаётган чора-тадбирларнинг натижалари йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И.Закиров Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, "Давархитектурилиш" қўмитаси (Тохтаев), бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда вилоятларда қурилиш ишларининг бутун комплексини "фойдаланишга тайёр" усули билан амалга оширишга қодир бўлган иختисослаштирилган қурилиш-пудрат ташкилотлари ташкил этиш, шунингдек, уларни замонавий қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари билан жиҳозлаш чора-тадбирлари дастурини ўн кун мuddатда ишлаб чиқсин.

Вазирлар Маҳкамаси "2011—2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида"ги дастурда назарда тутилган лойиҳалар амалга оширилишини йилнинг ҳар чорагида танқидий кўриб чиқсин, уларни амалга оширишни жадаллаштиришга тўсқинлик қилаётган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш чора-тадбирларини кўрсин.

14. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Ҳайтов) Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Давлат статистика қўмитаси (Тўраев) билан биргаликда, меҳнатга лаёқатли ёшга етган ва меҳнат бозорига биринчи марта кириб келаётган ёшларни ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор берган ҳолда, меҳнат ресурслари, аҳоли бандлиги ва ишга жойлаштиришнинг ҳар йилги про-

гноз ва ҳисобот балансларини ишлаб чиқишни амалиётга киритсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, ҳўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрлари сўзсиз бажарилиши, 2013/2014 ўқув йилидаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш юзасидан шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирилсинлар.

Вазирлар Маҳкамаси касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини фаол меҳнат фаолиятига тўлиқ жалб этиш ишларини пухта мувофиқлаштирилишини таъминласин, йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг тасдиқланган дастури бажарилишини, шунингдек, тармоқлар ва мамлакат худудлари бўйича касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлаштирилишини кўриб чиқсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Қодиров) 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури амалга оширилиши юзасидан назоратни ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тўғрисида тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигини таъминласин, айбдор мансабдор шахсларни қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортин.

17. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Ходиев), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Салимов) Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (Ҳайтов), Иқтисодиёт вазирлиги (Саидова), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор идоралар ва корхоналар билан биргаликда бир ой мuddатда ҳар бир туман ва шаҳар бўйича касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини, кейинчалик эггалган касблари бўйича ишга жойлаштиришни назарда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун аниқ ташкилотларга — иш бевувиларга бириктиришга доир манзилли тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Алимов) Молия вазирлиги (Юсупов) билан биргаликда қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини зарур даражада тартибга солиш ва такомиллаштириш, шу жумладан, врачлар уюлмасининг янги нормативларини тасдиқлаш, республиканинг бир қатор туманларида, тажриба тарихида, патронаж ҳамшираларининг иши натижадорлигини оширишни рағбатлантириш чораларини кўриш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини бир ой мuddатда амалга оширсин.

19. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда "Соғлом бола йили" Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишни тугалласин ва киритсин, унда оналик ва болаликни муҳофаза қилишни таъминлаш, бошланғич таълим сифатини ошириш, ёшларни спорт машғулотларига кенг жалб этиш, болаларни тарбиялашда жамоат ташкилотларининг ролини кенгайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларининг моддий-техника базасини мустақамлаш бўйича амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор берилсин.

20. Мазкур протокол қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти**И.КАРИМОВ**Тошкент шаҳри,
2014 йил 17 январь

2014-yil 22-yanvar, № 7 (8656)

1-sinf чет тили дарслиklarining мантқиқий давоми сифатида 2-синф ўқувчилари учун муаллифлар гуруҳи томонидан чет тиллардан давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари асосида дарслик мажмуалари (дарслик, машқ дафтари, ўқитувчи китоби, мультимедиа иловалари) ишлаб чиқилди. Шу кунларда мажмуаларнинг ўқувчилар ёши ва психологик хусусиятларига мослигини аниқлаш, материалларнинг ўқувчилар томонидан ўзлаштириш мониторингини олиб бориш, синфлар ўртасидаги узвийликни таъминлаш,

малакали ўқитувчиларнинг амалиётдаги тажрибасидан келиб чиққан ҳолда камчиликларни бартараф этиш, тайёрланган ўқув дастурлари ва дарслик мажмуаларига ўз вақтида тегишли ўзгаришлар киритиш учун тажриба-синовлар ўтказилмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар бошқармаси бошлиғи Абдурахим Носиров билан бу борада амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва эришилаётган натижалар хусусида суҳбатлашдик.

ЧЕТ ТИЛИДАН ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

тажриба-синов жараёнида янада такомиллашад

— Суҳбатимиз аввалида юртимизда 2-синф ўқувчилари учун биринчи мартаба яратилган чет тилидан дарслик мажмуаларининг муаллифлар жамоасини шакллантириш масаласи ҳамда дарсликларни тайёрлаш чоғида алоҳида эътибор қаратилган жиҳатлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Юртимизда чет тилларнинг кенг қўланда ўқитилишини муҳим ижтимоий воқеалик сифатида баҳолаш мумкин. Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратишимизни истардим, соҳада олиб борилаётган ислохотлар, яратилаётган дарслик мажмуалар, ўтказилаётган тажриба-синов ишлари Президентимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси сифатида амалга ошириляпти. Ўтган йили биринчи мартаба ўтказилган тажриба — 1-синфларга чет тилларнинг ўқитилиши хорижий тилларни ўрганиш муҳитини тубдан ўзгариштириб юборди. Нафақат ўқувчилар, балки ота-оналарнинг ҳам тил ўрганишга эътибори ортди.

Яширишга ҳожат йўқ, муаллифлар жамоасини шакллантириш, дарсликларни яратиш осон кечмаяпти. Ҳатто хорижий давлатлардан таълим тизимида фойдаланиш учун тайёр дарсликлар ҳам тақдир қилинди. Бироқ асосий мақсад — миллий менталитетимизга мос, ҳар қанақа хорижий қўлланма билан рақобатлаша оладиган дарсликларни яратиш эди. Бу жараёнга олиб, ўрта махсус ва халқ таълими тизимидан тажрибали мутахассислар жалб этилиб,

муаллифлар саралаб олинди. Бошланғич синф ўқитувчилари, психологлар, амалиётчи олимлар, тажрибали педагоглар билан доимий ҳамкорликда 1-синфлар учун чет тиллардан дарслик мажмуалар такомиллаштирилган шаклда фойдаланишга топширилди.

2-синф ўқувчилари учун дарслик мажмуаларини тайёрлашга ҳам 1-синф китоблари билан шугулланган муаллифлар ва илмий раҳбарлар бошқоқ бўлиб, ўша гоё билан китобнинг мантқиқий давомини яратдилар. 2-синфларнинг чет тили дарслик мажмуалари тажриба-синовдан ўтказилаётган бир пайтда муаллифлар жамоаси 3-синф дарслигининг устида ишламоқда. Бевоқиф жараён иштирокчиси сифатида мустақил диёримизда чет тили дарсликларни яратиш бўйича муаллифлар мактаби пайдо бўляпти, дея ишонч билан айта оламиз.

— Тажриба-синов жараёнида экспериментатор-ўқитувчиларни тайёрлаш осон бўлмагандир? Ўтган йилги хулосалар ва бу йилги янгиликлар тўғрисида тўхталсангиз.

— Аслида, тажриба-синов жараёнига энг малакали ўқитувчилар саралаб олинган. Шундай бўлса-да, ўтган ўқув йилида уларнинг методик жиҳатдан, тили билиш нуқтаи назаридан малакаси оширилди, 1-синфлар учун чет тилидан

дарслик мажмуаларидан фойдаланишга ўргатилди. Бу йил айнан ўша ўқитувчилар 2-синфда тажриба-синовни давом эттиришляпти. Экспериментатор-ўқитувчиларда ҳам ўтган йилги дарслик билан янги синини, ўқувчиларнинг ўтган йилги ўзлаштириши билан бу йилгисини таққослаш имконияти юзага келди.

Жорий йилнинг 13 январидан 20 мартага қадар, яъни ўқув йилининг учинчи чораги давомида 2-синф учун инглиз тилидан дарслик мажмуалари мамлакатимизнинг 80та мактабидан, 28та мактабда немис ва 28та мактабда француз тилидан тажриба-синовдан ўтказилди. Дарслик 14 та бўлимдан иборат бўлиб, 1—4 бўлимлар чет тили алифбосини ўргатишга йўналтирилган. Ҳар бир вилоятда инглиз тилидан бештадан умумтаълим мактаби ҳамда ўтган йилгидан фарқи равишда тўртта ихтисослаштирилган мактабларда тажриба-синов ташкил қилинган. Немис ва француз тилларидан эса ҳар бир вилоятда иккитадан мактабда тажриба-синов олиб борилмоқда.

Инглиз тилидан 160 нафар, француз тилидан 40 нафар, немис тилидан 43 нафар махсус тайёргарликдан ўтган тренер ўқитувчилар тажриба-синов майдонларига бириктирилган. Улар экспериментатор-ўқитувчилар билан биргаликда дарслик мажмуаларининг мазмун-моҳияти ва методикаси билан танишиб боради. Уларнинг якуний хулосалари асосида маълум бир муаллифлар жамоасининг нуқ-

ланишига, ўқувчиларга мустақил бериладиган топшириқларнинг ифодаланишига, ишлашга қулайлиги ва осон ўзлаштиришга йўналтирилганлигига эътибор қаратиши керак.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш керак. Агар шу ўқув йилидан 530 минг нафар ўқувчи 1-синфда тил ўрганишни бошлаган бўлса, уларнинг ота-онасини қўшиб ҳисоблаганда чет тилларини

Jarayon

лар рўйхати шакллантирилган. 2014 йилда 5000 дан ортиқ мактабларга чет тили хонаси учун жиҳозларни етказиб бериш кўзда тутилган.

Болажонлар аудио ва видеолавларни кўриб, тинглаб ўрганганларини мустаҳкамлайди. Кўргазмали қуроллар, лугатлар, қўшимча адабиёт-

лар муаллимларга қўмақдош бўлади. 2-синфларнинг чет тили дарслик мажмуаларини тажриба-синовдан ўтказётган синфхоналарнинг имкониятини ошириш мақсадида


компьютер техникалари, проекторлар билан бирга электрон доскалар берилиши мўлжалланаяпти. Техник жиҳозлардан тўлақонли фойдаланиш, хулосаларини умумлаштиришда қўмақлашиш, методик ва амалий ёрдам бериш мақсадида экспериментатор-ўқитувчиларга туман, шаҳар ҳамда вилоят методик хизмат кўрсатиш марказларининг масъул ходимлари бириктирилган.

— Методистларнинг ўзи хорижий тиллардан, ахборот-коммуникация технологияларидан қанчалик хабардор? Улар зиммасига юклатилган вазифалар хусусида батафсилроқ тўхталсангиз.

— Жойлардаги ҳолат ўрганилганда бошқалар суяниши керак бўлган методистларнинг ўзларида малака етишмаслиги, чет тилини яхши билмаслиги, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдалана олмаслиги ҳоллари ҳам учради. Улар, албатта, тажриба-синов олиб бораётган чет тили ўқитувчиларидан юқори оқибат билан тажрибага эга бўлиши лозим. Ана шундагина хорижий тилда эркин мулоқотга киришиб, методик ёрдам ҳам бера олади.

Методистларнинг асосий вазифаси тажриба-синов ишларига бевоқиф раҳбарлик қилиш, методик хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва ижро мониторингини олиб ботишга эришилди, деб айтишга ҳали эрта. Амалиётда техника воситаларидан қўлдангидек фойдалана олмаётган ўқитувчилар ҳам (айрим жойларда ҳар уч нафардан бири) учраб туради. Бунинг учун катта кўникма талаб қилинмайдиган, дискин компьютерга жойлашга тушириши ва чиқариб олиши билса бўлди. Агар муаллим шу вазифани ҳам эплай олмаса, шунча қилинган меҳнат ва тайёргарликларимиз бекор кетади.

Бу борада ҳали режалаштирилган ишлар талайгина. Республикаимиздаги 17222та бошланғич синфнинг чет тили хоналарини жиҳозлаш нормативи тасдиқланган. Шу асосда ҳар бир чет тили хонасига бериладиган жиҳоз-



ўрганувчилар сони доимигга кўра бир миллиондан ошиб кетади. 1-синф дарслигида алоҳида "parent's corner" — ота-оналар бурчаги берилган. Бундан ташқари, қўшимча қўлланма ҳам тайёрланган бўлиб, ота-оналарга болалари билан бирга ишлаш, чет тилларни ўрганиб, ўргатишларида қўл келяпти. 2-синфларнинг дарслик мажмуаларига ҳам ота-оналар учун фойдали тавсиялар киритилган.

2-синфларда машқ дафтари ҳам мавжуд бўлиб, ўқувчиларда ёзиш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради. 1-синфда ўқувчилар фақат тинглаб тушуниш ва гапириш орқали тилни ўрганган бўлса, 2-синфда яна иккита — ёзиш ва ўқиш кўникмалари қўшиляпти. Шунингдек, 1-синфлардан фарқи равишда 2-синфларнинг мультимедиа иловаларига дарсликнинг айнан саҳифалари электрон шаклда киритилган.

— Заонавий ахборот-коммуникация технологияларини таълим тизимида қўллаш самарали натижаларни кафолатлайди. Экспериментатор ўқитувчиларнинг барчаси ҳам улардан дарс давомида умумий фойдалана олаётими?

— Тўғриси, юз фоизлик натижага эришилди, деб айтишга ҳали эрта. Амалиётда техника воситаларидан қўлдангидек фойдалана олмаётган ўқитувчилар ҳам (айрим жойларда ҳар уч нафардан бири) учраб туради. Бунинг учун катта кўникма талаб қилинмайдиган, дискин компьютерга жойлашга тушириши ва чиқариб олиши билса бўлди. Агар муаллим шу вазифани ҳам эплай олмаса, шунча қилинган меҳнат ва тайёргарликларимиз бекор кетади.

Бу борада ҳали режалаштирилган ишлар талайгина. Республикаимиздаги 17222та бошланғич синфнинг чет тили хоналарини жиҳозлаш нормативи тасдиқланган. Шу асосда ҳар бир чет тили хонасига бериладиган жиҳоз-

Экспериментатор-ўқитувчиларга эслатма:

Сиз жуда бандсиз, лекин янги яратилган дарслик мажмуасини тажриба-синовдан ўтказиш айнан сизнинг зиммангизга тушганидан фахрланган ҳолда, берилган материалларни сидқидилдан тажрибадан ўтказасиз деган умиддамиз. Ота-оналар фикрларидан ҳам самарали фойдаланинг.

Ўқитувчи учун тайёрланган методик қўлланмада мавзулар бўйича технология, методларнинг турри танланганлиги, ўргатиш учун тавсия этилган қўшқ, шеър, ўйинларнинг мавзуга мослиги, қизиқарлилиги, ўқувчиларнинг муносабати, уларни зериктириб қўймаслигига диққат қилинг.

Тажриба-синов методистлари учун эслатма:

Методик хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш чора-тадбирини ишлаб чиқиш ва унинг ижро мониторингини олиб боришни, экспериментатор-ўқитувчиларга мунтазам равишда методик ва амалий ёрдам уюштириш, дарсларини кузатиш ва таҳлил қилишни, ҳар бир мавзу бўйича якуний хулосаларни илмий-методик асосда таҳлил этиб, Республика ишчи гуруҳига икки ҳафтада бир марта тақдим этишни унутманг.



Тажриба-синов ўтказилмайдиган мактаб раҳбарлари учун эслатма:

Экспериментатор-ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизими ишлаб чиқилган бўлиши, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш чораларини кўриш, тажриба-синовнинг бориши жараёнини мутахассислар билан муҳокама этиш имконияти яратилиши, ота-оналарнинг бундан хабардор этилган бўлиши, улар орасида махсус тайёргарлик ишлари ташкил этилгани, ўқувчиларнинг ёш хусусиятларидан келиб чиқиб машғулотларни асосан суҳбат, ўйин ва савол-жавоб методларига асосланиб олиб бориш учун қўлай шарт-шароит яратилганига эътибор қаратинг.

таи назари билан яратилган дарсликнинг амалиётга қанчалик сингиб кетиши аниқланаяди. Шунинг учун ҳам экспериментатор-ўқитувчилар дарсликда берилган мавзунинг кетма-кетлиги, узвийлиги, ўқувчининг ёш, психологик хусусиятига мослиги, фанлараро боғлиқлиги, расмларнинг тасвирланишига, рангига, жой-

Азиз НОРКУЛОВ
суҳбатлашди.

Yangiliklarda yurt nafasi



Андижон вилоятининг Олтинкўл туманида мактабгача таълим муассасаларида чет тилларни ўқитиш самарадорлигини ошириш, ўқитишнинг замонавий услубларини жорий этиш масалаларига бағишланган ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда туман ва шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мутахассислари, мактабгача таълим муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб бораётган инглиз тили фани ўқитувчилари иштирок этди.

Иштирокчилар чет тилларни ўқитиш бўйича илғор усуллари жорий этиш, хоржий тиллар ўқитилишини сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтариш борасида Олтинкўл туманида, хусусан, 1-мактабгача таълим муассасасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишди.

Семинарда мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан таклиф ҳамда фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мамлакатимизга ташриф буюрган Корея Республикасининг "Ewha Womans University" госпитали шифокорлари Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида воёга етмаган болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган мазкур тадбир доирасида кардиолог, уролог, педиатр, офталмолог каби мутахассислардан иборат Жанубий Корея делегацияси аъзолари мамлакатимиз шифокорлари билан ҳамкорликда урология ва кардиология йўналишида хайрия жароҳлик операцияларини ўтказишни режалаштирган.

Хафталик доирасида Жанубий Кореянинг "Ewha Womans University" госпитали малакали мутахассислари ва юртимиз шифокорлари "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий маркази ҳамда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонасида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди.

Самарқанд вилоятида аҳоли, айниқса, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, маънавий-маърифий соҳадаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида "Маънавият ҳашари" ўтказилди.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2013 йил 27 ноябрдаги йиғилиш баёни ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг "Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят, шаҳар ва туманлар бўлимлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ўтказилган тадбир доирасида вилоятдаги муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар, таълим муассасалари, маданият ва истироҳат боғларида ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Хайрия ҳашаридан тушган маблағ Маънавият тарғибот маркази шаҳар ва туман бўлимлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жойларда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтиришга сарфланади.

Урганч шаҳрида оила мустаҳкамлигини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг ролига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси ҳамда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлиги, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Тадбирда бола тарбиясида оиланинг роли, бола парвариши билан боғлиқ ижобий амалиётнинг ёритилиши, оилада соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашда ижтимоий ҳамкорликнинг аҳамияти, журналист этикиси каби мавзуларга доир тақдиротлар ҳамда видеороликлар намойиш этилди.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

Бошланғич ташкилот — асосий таянч

Бугун юртимизда аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, қайси жабҳада фаолият юритмасин, турмуш тарзини яхшилаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбир вазирлик ва ташкилотларнинг хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти фаолиятини янада тақомиллаштириш ва «Соғлом бола йили»да амалга ошириладиган ишлар муҳокамасига бағишланди.

Тадбир аввалида «Обод турмуш йили»да хотин-қизлар, айниқса, қишлоқ аёлларига муносиб шaroитларни яратиш, уларнинг меҳнатини энгиллаштириш борасида олиб борилган ишлар хусусида

тўхталиб ўтилди. Жумладан, 10 миллиондан ортиқ туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўриқдан ўтказилган ҳамда беш миллионга яқини соғломлаштирилган. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида тижорат банклари томонидан 697840 млрд. сўм кредитлар ажратилган.

Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятининг асосий таянчи бошланғич ташкилотлар ҳисобланади. Корхона ва ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасаларида кўмитанинг бошланғич

ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган. 2011 йилдан буён бошланғич ташкилотлар фаолияти босқичма-босқич кучайтириб келинмоқда. Амалий семинарлар, давра суҳбатлари ва ўқув машғулоти орқали бошланғич ташкилот раислари малакаси оширилмоқда. Хотин-қизлар фаолиятидаги кичик муаммолардан тортиб, уларнинг жамиятдаги ўрнини яхшилашга бўлган масалалар бошланғич ташкилот орқали ўз ечимини топишмоқда.

Тадбирда бошланғич ташкилот раислари ўз фаолиятлари юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Феруза ХОЛМУРОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Вазифалар белгилаб олинди

Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида «Таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитациялаш», «Умумтаълим фанлари бўйича узлуксиз таълим тизимининг компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва дастурлари тажриба-синовининг биринчи ярим йиллик якунлари ҳамда келгусидаги вазифалар» мавзуларида видео-семинар ўтказилди.

Видеосеминарда Халқ таълими вазирлиги ва Давлат тест маркази вакиллари, Республика таълим маркази ходимлари, фан методистлари, Абдулла Авлоний номидаги ХТХМОМИ, Қори Ниёзий номидаги ЎзПФИТИдан тажриба-синов жараёнига масъул илмий раҳбарлар, таълим муассасалари ўқитувчилари иштирок этди.

Тадбирда таълим муассасаларида аттестация жараёнини ташкил этиш, ҳужжатларни расмиёлаштириш бўйича аттестация комиссиялари, эксперт гуруҳларининг масъулиятини ошириш, баҳарилган ишлар ҳолати, ютуқ ва камчиликлар ҳамда навбатдаги вазифалар тўғрисида фикр юритилди. Шунингдек, умумтаълим фанлари бўйича узлуксиз таълим тизимининг компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари ва дастурлари тажриба-синовининг биринчи ярим йиллик якунлари таҳлил қилиниб, келгусидаги ишлар белгилаб олинди.

Видеосеминарда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар, халқ таълими бошқармалари вакиллари ҳар икки масала юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олишди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ

Сенат аъзоси — ўқувчилар даврасида

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги 3-академик лицейда Олий Мажлис Сенати аъзоси Ҳамротов Шодиева билан учрашув ўтказилди.

Тадбирда мустақил ва соғлом фикрли авлодни воёга етказиш, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида атрофлича фикр юритилди. Мулоқот асосида иштирокчилар мамлакат парла-

менти томонидан қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар моҳияти билан ҳам яқиндан таништирилди.

— Ўқувчиларнинг парламент таркибий тузилиши, палаталарнинг ваколатлари тўғрисидаги саволларга тезкор жавоблари мени мамнун этди, — дея таъкидлади Ҳамротов Шодиева.

— Уларнинг ҳозиржавоб ва илгма чанқоқлиги бизнинг бахтимиз. Зеро, ёшлар — келажакимиздир.

Тадбир якунида ўқувчи ва ўқитувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишди.

М.МУТАЛИБОВА,
академик лицей
директорининг маънавият
ва маърифат ишлари
бўйича ўринбосари

ННТ ривожини йўлида

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган «ННТ фаолиятини ёритган энг яхши тахририят ва журнал» танлови якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Кўрик-танловни ташкил этишдан мақсад, — дейди миллий ассоциация кенгаши раиси ўринбосари Насиба Миродилова, — мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож-

лантиришда ОАВнинг иштироки ва ролини ошириш, фаол журналистларни рағбатлантиришдан иборат. 30га яқин тахририят ва журнал-листларнинг 400дан ортиқ ижодий ишлари танлов ҳайъатига келиб тушгани голибларни аниқлаш нечоғли қизгин кечганини кўрсатди.

Бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши мамлакатимизда уч томонлама — давлат ҳокимияти органлари, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

Дилшод КАРИМОВ,
«Ma'rifat» мухбири

Эпчил йигитлар беллашуви

Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 106-умумтаълим мактабида «Биз — ёш ватанпарварларимиз» шiori остида битирувчи синф ўқувчилари ўртасида беллашув бўлиб ўтди.

«Соғлом бола йили» муносабати билан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимиз таълим тизимидаги янгиланишлар, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритишди.

Беллашув иштирокчилари «Юртим — фахрим», «Биз эпчил йигитларимиз», «Спорт бизни дўстлаштирар» шартлари ҳамда эркин мавзу йўналишида Ватанни мадҳ этувчи шеър, қўшиқ ва бадий чиқишлар билан катнашди.

— Муассасамизда ўтқа-

зиладиган барча тадбирлар дўстона беллашувга айлана кетади, — дейди мактаб директори Адхам Дўстеров. — Ўқувчилар эгаллаган билим, кўникма ва иқтидорларини намойиш этиб, тадбирларда яна ҳам фаол иштирок этишади. Бу эса ўқувчилар билим салоҳиятини юксалтиради.

Беллашув якунида голиб жамоага эсдалик совғалари топширилди.

Илҳом Жўраев

2014-yil 22-yanvar, № 7 (8656)

БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ – ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Беморларни озиқ-овқат билан таъминлаш корхонаси тузилган шартнома ва тасдиқланган ҳисоб-китоб шартларини бузган ҳолда, беморларга 155,6 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари кам берган, озиқ-овқат маҳсулотларини қиммат нархда сотиб олиш оқибатида 22,3 миллион сўмлик бюджет маблағи ортқича сарфланган.

Бундан ташқари, беморларни бошқа фуқаролар номига расмийлаштирилган имтиёзли ордерлар бўйича даволаш ҳолатларига ҳам йўл қўйилган.

Жиззах вилоятида маҳаллий бюджет ижросини таъминлаш бўйича ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари қиймати 159,5 миллион сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар қўшимча ҳисобланганини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги фармонининг ўзини ўзи маблағ билан таъминлашга ўттиш қисмида белгиланган талаблар Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан тўлиқ бажарилмаган.

Пулли тиббий хизматлар кўрсатиш зарур бўлган ҳолларда вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида бюджет маблағлари ҳисобидан 674,6 миллион сўмлик, офтальмология шифохонасида 434,4 миллион сўмлик, Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмасида 1166,5 миллион сўмлик тиббий хизматлар кўрсатилган.

Тегириув ўтказилган бешта касб-хунар коллежида штат бирликларини асосий равишда кўпайтириш эвазига қиймати 275,9 миллион сўмлик бюджет маблағлари ортқича сарфланган.

Шу билан бирга, таътил ва мукофот пулининг нотўғри тўланиши оқибатида бюджетга 76,7 миллион сўм зарар етказилган.

Хусусан, Бахмал туманидаги компьютер технологиялари касб-хунар коллежида ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш ва уларга мукофот пулини тўлашда 58,2 миллион сўм ноқонуний сарфланган. Шундан коллежнинг ўн нафар ўқитувчиси номига ёзилган 4,6 миллион сўмни коллеж директори А.Хонимкулов шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Шунингдек, ўқитувчиларга ўтилмаган дарс соатлари учун иш ҳақи ёзилиши, ўқитувчиларнинг малака тоифаси нотўғри ҳисобланиши ва бошқа қонунбузарликлар оқибатида 111,1 миллион сўмлик бюджет маблағлари ортқича сарфланишига йўл қўйилган.

Пудрат ташкилоти Жиззах тумани ободонлаштириш бошқармаси таркибига кирадиган "Учтепа", "Оқтош" ва "Ҳазрати Билал" қабристонларини капитал таъмирлашда бажарилган ишлар ҳажмини 21,6 миллион сўмга ошириб кўрсатган.

Дўстлик тумани ободонлаштириш бошқармаси фаолиятида жами қиймати 61,2 миллион сўмлик ноқонуний харажатлар амалга оширилгани, бажарилган ишлар ҳажми ошириб кўрсатилгани, хўжалиқлараро ички йўللارни жорий таъмирлашда ишлар сифатсиз бажарилгани аниқланди.

Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалар маблағлари ҳисобидан ижтимоий объектлар қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари ҳажми 85,6 миллион сўмга оширилгани ва сифатсиз бажарилгани аниқланди.

Бундан ташқари, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини таъмирлаш, уларни сақлаш ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш учун ажратилган маблағларни

сарфлашда иш ҳажми ошириб кўрсатилган ҳамда сарф-харажатлар асосий равишда 973,6 миллион сўмга оширилган.

Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар бўйича ўтказилган назорат-таҳлил ишлари жараёнида бажарилган ишлар ҳажми 26,3 миллион сўмга оширилгани аниқланди. Бундан ташқари, «Учтепамаҳсувтаъмир» шўъба корхонаси ҳисобига бажарилмаган таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари учун 41 миллион сўм асосий равишда ўтказилган.

Шу билан бирга, Жиззах вилоятида Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши давлат дастурини бажаришда ҳам қатор ҳуқуқбузарлик ва камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Қиймати 1,9 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари ўз вақтида бажарилмаган, 8 туманининг 9 массивида давлат комиссиялари томонидан фойдаланиш учун қабул қилиб олинган уй-жойларда 19 пудратчи ташкилот 1,2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажармаган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳамда унинг таркибий бўлиmlарида ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари натижасида 2012 йилги геология-қидирув ишлари дастури доирасида ажратилган маблағлардан давлат бюджетига фойдаланилмаган 259,7 миллион сўм қайтарилди.

Геология-қидирув ишлари дастурида белгиланган вазифалар ижроси учун импорт техникани етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилмагани, шунингдек, дастурда кўзда тутилмаган эҳтиёт қисмлар харид қилингани

Ўзбекистон Республикаси
Ҳисоб палатаси

оқибатида 1,4 миллиард сўм ортқича сарфланган.

Геология-қидирув ишлари дастурига киритилган объектларда бажарилган ишлар ҳажмини текшириш чоғида "Комплекс геология-суратга олиш қидирув экспедицияси" давлат корхонасида ушбу ишлар ҳажми 92,1 миллион сўм, "Қорақалпоғистон геология-суратга олиш қидирув экспедицияси" давлат корхонасида 759,2 миллион сўм, "Шарқий Ўзбекистон геология-суратга олиш қидирув экспедицияси" давлат корхонасида 66,2 миллион сўм, "Жанубий Ўзбекистон геология-суратга олиш қидирув экспедицияси" давлат корхонасида 33,9 миллион сўмга ошириб кўрсатилгани аниқланди.

Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги томонидан ўтказилган назорат-таҳлил тадбирлари яқунлари бўйича материаллар аниқланган молиявий ҳуқуқбузарлик ва камчиликлар таҳлили билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилди.

Бюджет интизомига риоя этиш ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий, спорт ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар изчиллиги ҳамда самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Бюджет ташкилотлари раҳбарлари ва молия органлари ходимлари бюджет, демек, халқ маблағларидан самарали, мақсадли ва манзилли фойдаланиш учун масъулдир.

Шунингдек, халқ маблағларига нисбатан ҳар қандай ноқонуний ҳолат учун қонунга мувофиқ қатъий жавоб беришга тўғри келишини ҳам эсдан чиқармаслиги даркор.

Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлигининг назорат-тафтиш
бош бошқармаси

БАНДЛИК – ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш янги йили ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган минтақавий дастурлар самарасида Обод турмуш йилида қарийб 970 минг киши иш билан таъминлангани таъкидланди.

Бу иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиги қишлоқ жойларда яратилгани, айниқса, эътиборга молик. Кичик корхоналар, микрофирмалар ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

Президентимиз раҳнамолигида янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг мақсадли дастурлари изчиллик билан амалга оширилаётгани иқтисодий тизимнинг барқарор ривожланиши, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини

янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Фаргона вилоятида 2013 йилда 93 минг 229 янги иш ўрни яратилди. Бунда асосий эътибор янги корхоналарни ташкил этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга қаратилди. Бозор конъюктурасига тез мослашувчан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси кенг ривожланмоқда.

Ўтган йили мазкур соҳада 18 минг 106 янги иш ўрни яратилгани жойларда инфратузилмани ривожлантириш,

аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Соғлом бола йилида бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида шаҳар ва туманларда бандлик масаласига катта эътибор қаратилаётир.

— Шаҳримизда 151 мингдан зиёд меҳнатга лаёқатли аҳоли истиқомат қилади, — дейди Фаргона шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Муҳаммадали Эминов. — Янги иш ўринлари яратишда биз меҳнат бозори мониторингини мунтазам ўрганиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бунда, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Обод турмуш йилида Фаргона шаҳрида 9 минг 105 янги иш ўрни ташкил этилди. Бунда тадбиркорлик, кичик корхона ва микрофирмалар, хизмат кўрсатиш субъектлари-

Bandlik dasturi — amalda

нинг ҳиссаси катта бўлди. Фаргона нефтни қайта ишлаш заводи, "Фаргона Турон текстиль" масъуляти чекланган жамияти, "UZSUNGWOO" Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси каби йирик сановат корхоналарида амалга оширилган қатор лойиҳалар асосида кўплаб иш ўринлари очилди.

Шаҳарда бугунги бозор шароитига тез мослашувчан субъектларни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилаётир. Хусусан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан юздан зиёд янги иш ўрни яратилди. Унинг элликка яқини халқ хунармандчилиги соҳасида бўлиб, асосан хотин-қизлар учун мўлжалланган.

Гулбахор Турдикуловани шаҳарда ташаббускор, ишбилармон аёл сифатида яши билешади. У ўтган йили бир нечта хотин-қизни жалб этган ҳолда, кичик корхона оч-

ган эди. "Фар Самина нафосат" номи мазкур корхонада бугунги кунда элликдан зиёд хотин-қиз ички бозор учун зарур истеъмол товарлари ишлаб чиқармоқда.

Мамлакатимизда хотин-қизларни уй-рўзғор юмушларидан ажралмаган ҳолда фойдали меҳнатга жалб этишнинг самарали тизими шакллантирилган. Айни пайтда фарзанд тарбияси билан бирга оила бюджетига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган хунарли уй беклари кўп. Шаҳарда ҳам ана шундай аёллар сафи тобора кенгайиб, қулай ва самарали меҳнат усули бўлган касаначилик ривожланаётир.

Бир сўз билан айтганда, Фаргона шаҳрида бандликни таъминлаш, шу орқали аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

М.СУЛЯЙМОНОВ,
Ўза мухбири

Математика дарсларини ўтиш методлари ҳақида жуда кўплаб китоблар, кўлланимлар яратилгани, қатор ишлар амалга оширилганини яхши биламиз. Педагогик фаолиятим давомида юзлаб математика дарсларини таҳлил қилганман. Кузатишларим натижасида аксарият дарслар бир хил йўналишда ўтилишининг ғувоҳи бўлдим. Мавзу тушунтирилади, мисоллар ва масалалар ечилади, ечим ва жавоб топилади, текшириб кўрилади ва хулосалар ясалди. Биз юқоридagi алгоритмга шунчалик ўрганиб кетганмизки, баъзан бажарилаётган топшириқнинг тарбиявий ва амалий мақсадини унутиб қўямиз, масаланинг ҳаёт, турмуш ва амалиёт билан узвий боғлиқлигига эътибор бермаймиз. Зеро, «Математика — теварак атрофимиздаги нарса ва ҳодиса(жараён)ларнинг ўзаро миқдорий боғланишларини формула ва ҳарфий белгилар орқали ифодаловчи фандир».

дини «Учбурчак ички бурчаклари йиғиндиси» мавзусида кўллашни намуна сифатида кўриб ўтайлик. «Учбурчак ички бурчаклари йиғиндиси 180° га тенг» теоремаси ўрганиб бўлингач, ўқувчиларга учбурчак ички бурчаклари йиғиндисига доир масалаларни икки тоифага: теоремага мос(тўғри тузилган) ва теоремага зид (нотўғри тузилган) масала-

ни топинг.

2-масала. Тўғри бурчакли учбурчакнинг кичик бурчаги 100° бўлса, қолган бурчакларни топинг.

3-масала. Тенг ёнли учбурчакнинг асосидаги битта бурчаги 93° га тенг бўлса, учигадаги бурчакни топинг.

Тузилган масалалар ўқувчилар ўртасида кенг муҳокама қилиниб, хулосалар ясалди. Нотўғри тузилган масалаларнинг хато жойлари аниқланади ва тўғри маса-

Sinab ko'ring

— барча ўқувчилар топшириқни бажариш жараёнига жалб қилинади.

Синтез методини қўллашга доир топшириқлардан намуналарни кўриб чиқайлик:

1) ечимга эга бўлмаган тенглама тузинг;

2) шундай тенглама яратингки, чексиз кўп ечимга эга бўлсин;

3) илдиизи 2га тенг бўлган квадрат тенглама тузинг;

5) илдиизлари 3 ва 4 бўлган квадрат тенглама кўринишини ёзинг;

6) $(x-8)/(x+1)(x-2)$ касрнинг махражлари $(x+1)$ ва $(x-2)$ бўлган иккита каср йиғиндиси шаклида ёза оласизми?

Кейинги босқичларда ўғил-қизларга мавзу ёки бобга доир савол(тест)лар тузиб келиш юзасидан топшириқ бериш, китоб билан муस्ताқил ишлашни ўргатиш, математик бошқотирмалар тузиш, математик кеча ва тadbирлар ўтказиб туриш ўқувчиларнинг ижодкорлик характери шаклланишига олиб келади. Муҳими, улар дарс ва машгулотларнинг фаол иштирокчисига айланади.

Жўракул ДАВЛАТОВ,
Олот иқтисодиёт
коллежи ўқитувчиси

МАТЕМАТИК СИНТЕЗ МЕТОДИ

ўқувчиларнинг ижодкорлик ва яратувчанлик қобилиятини рўёбга чиқаради

Ўқувчиларнинг математика фанларига бўлган қизиқишини ошириш, улардаги ижодкорлик ва яратувчанлик қобилиятларини рўёбга чиқаришда **математик синтез методи** алоҳида аҳамият касб этади. «Маълумлардан номаълумларга томон излаш методи **синтез методи** дейилади» (С.Алиханов. «Математикани ўқитиш методикаси», «Ўқитувчи» нашриёти — 1992 йил, 62-бет). Синтез методи дарснинг мавзунини мустақамлаш босқичида кўпроқ қўлланилади. Бунда ўқувчилардан мавзу бўйича кичик ва соддароқ бўлса-да, ма-

сала ва мисоллар яратиш, берилган параметр ва миқдорлардан фойдаланиб математик, иқтисодий, экологик ва бошқа турдаги топшириқлар тузиш талаб қилинади. Математик тафаккурни аниқлаб берувчи бу усулдан фойдаланилганда синфдаги мантикий мулоҳазаларга эга, математик қобилиятли, ижодий фикрловчи ўқувчилар ўзини намоян қилади. Бундан ташқари, математикани қийин ўзлаштирувчи ўқувчилар орасидан ҳам кўпроқ мулоҳазача юрита оладиганлари чиқарилади.

Математик синтез мето-

ларга ажратиб олдим.

Тўғри тузилган масалалар:

1-масала. Учбурчакнинг иккита бурчаги йиғиндиси 100° бўлса, учинчи бурчакни топинг.

2-масала. Учбурчак ички бурчаклари ўзаро 1:2:3 нисбатда бўлса, энг катта бурчакни аниқланг.

3-масала. Тенг ёнли учбурчакнинг асосидаги битта бурчаги 55° бўлса, қолган бурчакларни аниқланг.

Нотўғри тузилган масалалар:

1-масала. Учбурчакнинг иккита бурчаги йиғиндиси 182° бўлса, учинчи бурчак-

ларга айлантирилади. Натижада «учбурчак ички бурчаклари йиғиндиси 180° га тенг» тасдиқи ўқувчилар онгига тушунарли тарзда қаттиқ ўрнашади.

Ўқитувчининг дарс бериш жараёнида бундай усулни қўллаш аҳойиб натижаларга олиб келади:

— ўқувчиларнинг ижодкорлик ва яратувчанлик қобилиятлари рўёбга чиқади;

— жавобгарлик ва масъулият ҳисси шаклланади;

— тўғри ва нотўғри тушунчаларни англашни ўрганади;

— ўзига ишонч туйғуси шаклланади;

ТАРБИЯЧИНИНГ «ОЛТИН» ҚОИДАСИ

Боғчадаги таълим-тарбия мазмуни болаларни мактабга интеллектуал ва руҳий жиҳатдан тайёрлашга қаратилади. Бу борадаги ишлар самарадорлиги машгулотлар таъсирчанлиги ва тарбиячининг маҳоратига боғлиқ. Фаолиятида муваффақиятга эришишни истаган педагог эса тарбия бобидagi ўзига хос услуби, ширинсўзлиги билан болажонларнинг меҳрини қозона олиши зарур.

Бу олтин қоидаи ўзи учун кашф этган Кўкон шахридаги 27-мактабга таълим муассасаси тарбиячиси Зумрадхон Жалолова болаларни қизиқтириш учун ишни тайёрлов гуруҳи хонасини дид билан безатишдан бошлади. Хонадаги ранг-баранг ўйинчоқларни кўрган ўғил-қизлар бу ёрни дарров ёқтириб қолишди. Табиат бурчагидagi турли буюмлардан ясалган қуёш, ой ва юлдузчалар, жониворлар ва қўшлар тимсоли болаларнинг мураккаб калбида бир умр муҳрланиб қолади. Тарбиячининг маҳорати эса кичкинтойлар билан ўлказаётган машгулотларида намоян бўлмоқда.

— Болажонлар нимани яхши кўради? Ўйинларни, эртақларни, албатта. Уларни машгулотга қизиқтиришга шу жиҳатдан ёндашиш керак, — дейди Зумрадхон Жалолова. — Эртақларни ўқиб берсангиз ҳам, озгаки сўзлаб берсангиз ҳам, кичкинтойлар жон қулоғи билан тинглайди. Олти-етти ёшли болалар уларнинг мазмунини тўлиқ идорак эта олади ва такрорлаб айтиб беради. Болаларни янада қизиқтириш учун эртақнинг мультфильм шаклида тайёрланган вариантдан ҳам фойдаланамиз. Мана, болажонлар нигоҳи ойнаи ҳаёonga қаратилган. «Олтин тарвуз» эртақининг намойиши, қутилмаган воқеалар уларни ҳайратга солмоқда. Намойиш тугагач, кичкинтойларни саволга

тута бошлаيمان:

— Зуфаржон, бу эртақда сенга ким ёқди?

— Дехқонбобо.

— Нима учун?

— Чунки, у лайлакнинг синган оёғини тузатди.

— Бу яхшилиги эвазига лайлак унга нима берди?

— Тарвуз уруғларини ташлаб кетди...

Бундай эртақлар кичкинтойларни ақлий, ижтимоий-ҳиссий ривожлантиришда, хотирасини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Фаройиботлар оламга кириб келар экан, улар эзгуликни ёқлаб, ёмонлик ва ёвузликни инкор эта бошлади. «Ур, тўқмоқ», «Эгривой ва Тўғривой» эртақлари, «Тошбақа ва чаён», «Шер билан дуррож» масалалари намойиши ҳам болакайларни ҳаяжонга солади.

Тайёрлов гуруҳи тайёрланувчиларининг мантикий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда «Венн диаграммаси», «Ақлий ҳужум», озгаки ва ёзма тест каби усуллар кўл келаяпти. Венн диаграммасида икки доира чизилиб, буюмлар, ҳайвонлар ёки табиат ҳодисаларининг бир-бирига ўхшаш ва фарқли томонлари ўрганилади. Масалан, ит билан бўри диаграммасидаги ўхшашлик — иккови ҳам ҳайвон. Фарқли жиҳатлари:

1. Ит — уй ҳайвони. Бўри — ёввойи ҳайвон.

2. Ит кўлга ўргатилган. Бўрини кўлга ўргатиб бўлмайди.

3. Итни эгаси боқади. Бўри ўзи егулик қидириб топади.

«Ақлий ҳужум»да катта вараққа фломастерда ишланган расмлардан фойдаланилади. Масалан, оқ қоғозга дарахт расми туширилган. Шохларда тўртта тарвуз акс эттирилган. Болажонлар бу расмини кўздан кечиргач, уларга савол билан муножаат этилади:

— Тарвуз дарахт меваси бўлиши мумкинми?

— Йўқ, тарвуз полиз экани, — деган жавобни болалардан эшитасиз. Бошқа расмда тўрт оёқли куш тасвирланган. Кичкинтойлар бу хатоликни ҳам дарров пайқайди.

Озгаки тест эса ақлни чархлашнинг учинчи усулидир.

Куйидаги тестга эътиборингизни қаратинг.

1. Учбурчакнинг нечта бурчаги бор?

A) 4 та B) 2 та
D) 3 та E) 1 та

2. Қайси ҳайвонни маймоқ деб аташади?

A) Бўри B) Айиқ
D) Тулки E) Қуён

Тарбияланувчилар мантикий фикрлаш қобилиятини ишга солиб, тўғри жавобни осонгина топишади. Бошқотирмалар ҳам улар фикрини чархлайди. Баъзан ўзимиз суратли бошқотирмалар тузамиз. Масалан, уч катакли уйча расмини чизиб, ўртадаги катакка 9 рақами ёзилади. Бўш катакларни болалар ундан олдин ва кейин келадиган рақамлар билан тўлдиришади. «Расмларни

таққосла ва фарқини топ» қабилитидаги мантикий ўйинлар ҳам жуда қизиқарли.

Изланувчан тарбиячи Зумрадхон Жалолова тайёрлов гуруҳи учун «Ўзбекистон — буюк алломалар юрти» рисоласини тайёрлади. Қўлланма болаларни Абу Райҳон Беруний, Жалолитдин Мангуберди, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Камолитдин Бехзод каби улуг сиймолар ҳақидаги маълумот ва ривоятлар билан таништиришга ёрдам беради.

— Тарбиячиларимизнинг деярли ҳаммаси ўз фаолиятида ижодий қобилиятдан усталик билан фойдаланади, — дейди МТМ мудираси Сожидахон Қурбонова. — Мактаб ҳамда ота-оналар билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишган. Хусусан, тарбияланувчилар махсус жадвал асосида ҳудудимиздаги 14-умумтаълим мактаби биноси — синфхоналари, ақабот-ресурс маркази, спорт зали билан танишиб боришади. Бу уларда билим олишга иштиёқ уйғотишда катта аҳамиятга эга. Иқтидорлилар муассасамиздаги шахмат-шашка, хорижий тиллар, бадий гимнастика, кўғирчоқ театри ва мусиқа тўғрақларига жалб этилган. Гуруҳларда болаларни ҳар томонлама ривожлантирувчи муҳит яратилган. Ота-оналарга ўғил-қизларини интеллектуал жиҳатдан тўлиқ тайёр бўлмагунча ёки 7 ёшга тўлмасидан туриб, мактабга беришни тавсия этмаймиз. Чунки уларнинг ўзлаштириши яхши, мантикий фикрлаш тез бўлса-да, иккинчи-учинчи синфларга ўтганда тенгдошларидан орқада қола бошлаши мумкин.

Маъмур Йўлдошев

2014-yil 22-yanvar, № 7 (8656)

Малакавий амалиёт ўташ даврида талабалар эгаллаган назарий ва амалий билимларини мустахкамлайди, чуқурлаштирилади, кенгайтиради. Аудиториядан ташқаридаги бу машғулот нафақат корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иш фаолияти, ишлаб чиқариш технологияси билан танишиш, балки ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмасини шакллантириш, иш самарадорлигини ошириш бўйича изланишлар олиб бориш имкониятини яратди. Амалий билимни тажриба ва амалий кўникмасиз қўлга киритиб бўлмаслиги барчага бирдек аён. Зеро, билим аудиторияда ўргатилади, ammo тажрибани амалиётда эгаллаш, кўникмани

шакллантириш зарур. Шу маънода илк тажриба сабоқларнинг бўлгуси мутахассисларнинг кейинги фаолиятига таъсири катта. Талабаларнинг келгусида етук мутахассис бўлиб фаолият юритишида амалиётнинг яхши олиб борилиши муҳим аҳамият касб этади. Катта фаолиятга ташланаётган илк қадамнинг ярашқили бўлиши ва қутилган натижага эришиш эса амалиётнинг самарали ташкил этилиши ва унга раҳбарликнинг масъулият билан олиб борилишига боғлиқ. Бугун олий таълим муассасаларида амалиёт жараёни қандай ташкил этилаётгани билан танишиш мақсадида Ўзбекистон Миллий университетида бўлди.

лик кўрсатишди. Мактабларнинг тажрибали ўқитувчилари талабаларга бор билимларини сингдиришга ҳаракат қилгани бизни қувонтирди. Педагогик амалиёт даврида бахтли ҳолатлар ҳам бўлди. Бунда кўникма ва малакага эга устозларнинг кўрсатмалари ўринли эканлиги эътироф этилди. Натижада ёшларимиз педагогик жараёнларни чуқур ўрганишди, зарур ҳусулаларга эга бўлишди. Дарс ишланмалари, кўргазмалар қуруллар яратилди. Синфхонада масъулиятсизлик қилиб бўлмасли-

ҳаракат қилдим, кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчилардан маслаҳат ва йўл-йўриқлар сўрадим. Амалиётдаги устозлардан ўрганиш, изланишдан тўхташ ўқитувчига хос эмас. Уз устимда қаттиқ ишлаб бошладим. Шунда ўқитувчи меҳнатининг завқини ҳис қилдим, устозлик мақомининг нақадар шарафлигига яна бир бор иқдор бўлдим. Синов дарслари давмида ўқувчининг меҳрини ҳис қилиб ўқитувчиликка муҳаббатим ортди. Бу mening bilim olishga intilishimdagi eng katta rag'bat бўлди. Ҳақиқатан, шу таълим даргоҳида фаолият олиб боришни режалаштириб турибман.

АМАЛИЁТ ЖАРАЁНИ

кадрларни мақсадли тайёрлашнинг муҳим босқичи

БИЛИМНИНГ ҲАЁТГА ТАТБИҚИ

— Талабаларнинг амалиёт жараёнини ташкил этиш бўйича барча йўналишларда ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари, тегишли ва-зирликлар, илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатганмиз, — дейди университет ўқув-услугий бошқармаси амалиёт бўлими раҳбари Шавкат Аҳмедов. — Амалиётнинг турлари кўп. Таълим йўналиши ва босқичларига кўра ўқув-танишув, ўқув-дала, ишлаб чиқариш, битирувчи амалиёти, шунингдек, педагогик амалиёт ўтказилади. Ўқув амалиёти бирор фанни эгаллашнинг давомий сифатида ташкил этилиши мумкин. Ишлаб чиқариш амалиёти талабаларда танланган соҳа бўйича мустақил амалий-касбий фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилувчи ўқув жараёнидир. Битирувчи амалиёти талабалар малакавий амалиётнинг охириг босқичи бўлиб, талабанинг мустақил касбий фаолиятга лаёқати, касбий тайёргарлик даражасини аниқлаши, шунингдек, битирув-малакавий ишлари учун маълумотлар йиғиш, таҳлил қилиш ва тартибга солиш, тадқиқот ишларини олиб боришни кўзда тутди. Амалиётнинг барча турлари амалиёт объекти ва университет ўртасида тузилган шартнома асосида ташкил этилмоқда. Шунингдек, педагогик амалиётни ташкил этиш чоғида ҳам ҳар бир мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан шартномалар тузамиз. Бу борадаги ишларни олиб боришда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида талабаларнинг малакавий амалиёти ҳақидаги низоми бизга дастуруламал вази-фасини ўтайди. Шунингдек, университетимизнинг «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш марказида тупроқшунослик ва биология йўналиши талабалари малакавий битирувчи амалиётларини ўтказишди. Биология, геология, геофизика йўналишларида таҳсил олувчи талабалар 1 ва 2-курсда Паркент туманидаги Оксокота дала амалиёти базасида ўқув-дала амалиёти олиб боришди. Бу амалиёт ўқув режага мувофиқ талабаларнинг ёзи таътили даври-

да ўтказилади. География, гидрометеорология, гидрология ҳамда геодезия, картография ва кадастр йўналишидаги амалиётлар Бўстонлик туманидаги Чорбоғ дала амалиёт базасида ташкил этилади. Ўзбек филологияси факультетининг фольклор, этнография йўналишлари талабалари юртимизнинг турли ҳудудларида аҳолининг фольклор меросини, халқимизнинг турмуш тарзи ва урф-одатларини ўрганишди. Мавжуд 13 факультетнинг барча йўналишларида талабалар амалиётини ташкил этиш босқичидаги ишларимиз ҳақида шундай маълумотларни келтириш мумкин.

Бундан ташқари, амалиёт жойи бўлгуси иш ўрни бўлиб қолаётгани кадрларнинг мақсадли тайёрланаётганидан далолат беради. Тузилган шартномаларга кўра, талабаларимиз амалиёт ўтаган ўрнида битиргандан сўнг ишга жойлаштишмоқда. Масалан, геология йўналишини битирган талабаларимиз Ўзбекистон давлат геология кўмитаси, Олмалик кон-металлургия комбинатида ишга олишди. Кимё йўналишида ҳам «Максам-Чирчиқ» ОАЖ, Тошкент лак-бўёқ заводи, «Шўртангазим» комплекси каби йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам амалиёт ўтаб кейин ишлаб қолган битирувчиларимиз талайгина. Битирувчи амалиётлари эса битирув-малакавий ишлари мавзусига мос келаяётгани нур устига нур бўлмоқда. Бирор ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятини ўрганаётган, унинг иш самарадорлигини ошириш учун тақдирлар бераётган талаба-ёшларимиз айнан шу ишлаб чиқариш корхонасида амалиёт ўташа, илмий изланишлар сифати ҳам, аҳамияти ҳам ортади. Ёшлар амалиётда билимларини қандай ишлатиш кераклигини ўрганиб, малакалари чархланиб келади. Бу паллада уларнинг ўз танлаган касбига ихлоси ошганини кўраемиз.

Албатта, амалиёт жараёни белгиланган дастур ва календар-жадал асосида олиб борилади. Амалиёт раҳбари сифатида тажрибали профессор-ўқитувчилар тайинланади. Илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш каби мавзуларда амалиёт объекти мавзурини билан биргаликда маърузалар

ташкил қилинади. Умуман олганда, амалиёт талабаларда касбий-амалий малака ва кўникмаларни таркиб топтириши, корхона, ташкилот ёки муассасанинг илгор иш тажрибалари, бошқарув тизими, маркетинг фаолияти, фан ва техника ютуқларининг жорий этилиш даражаси билан таълимни хизмат қилиши керак. Бунга эришмоқдамиз ҳам. Амалиёт якунида талаба ёзма равишда ҳисобот тайёрлайди ва амалиётдаги қайд дафтари — қундалик билан бирга топширади. Сўнгра талабанинг билим ва малакаси баҳоланади.

«ЎҚИТУВЧИ МЕҲНАТИ ЗАВҚЛИ ЭКАН»

Ўзбек филологияси факультети 4-босқич талабалари учун педагогик амалиёт жуда қизиқarli ўтди. Талабалар таъкидлашча, устозлари уларга «Сизларнинг тўрт йил давомида ўқиб-ўрганган билимларингиз ва икки ой педагогик амалиётдаги тажрибангизни тарозига қўядиган бўлсак, албатта, кейинчи залворлидир», дея амалиётга жиддий ёндашишни, амалий кўникмаларни пухта эгаллашларини ўқитишган. Ҳақиқатан ҳам, талабалар педагогик амалиётдан анча ўлғайиб, ўқитувчилик касбига янада меҳри ортиб қайтишди.

— Ўзбек филологияси факультетининг икки йўналишида педагогик амалиёт ташкил этилди, — дейди филология фанлари доктори, профессор Толиб Эрназаров. — Бунда она тили ва адабиёт йўналишидан 83 нафар, нутқ маданияти ва нотиклик бўйича тахсил олувчи 28 нафар йигит-қизлар иштирок этди. Улар республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи, Ҳамза туманидаги кўзи оқизлар мактаби, 29, 169, 243, 261-мактабларда бўлишди. Таълим муассасаларини танлашда биз уларда талабаларнинг фаоллигини оширишга қодир етакчи педагогик жамоаси шаклланганлигига эътибор қаратдик. Негаки, илгор тажрибали мактабдаги амалиёт самарали кечиб, қўзланган натижаларга эришамиз. Амалиёт мубайнада талабалар дарс ўтиши, тарбиявий, синфдан ташқари ишларни амалга оширишди. Қўллаб таълимларни ташкил этишда фаол-



ДАРСДАН ТАБИАТ ҚҲЙНИГА...

гари яхши англаган талабаларимизнинг барчаси бириктирилган синфларда дарс ўтгани, бу жараёнга пухта тайёргарлик кўришгани эътиборлидир. Мактаблардаги ўқитувчилар педагогик амалиёт якуни бўйича ўтказилган тадбирда талабаларимизнинг билимдонлиги, меҳнат-севарлиги ва жамоа билан чиқиши кета олишини уларнинг муваффақиятларининг сири сифатида таъкидлашди. Бу жараёнларнинг барчаси университетдаги амалиёт раҳбарлари томонидан назорат қилиб борилади.

Нутқ маданияти ва нотиклик йўналиши талабаси Азиза Эшдавлатова республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейида амалиёт ўтади.

— Икки ойлик амалиётнинг ҳар бир кунини, ҳар бир соати хотирамизда муҳрланиб қолди, — дейди у. — Аввало, ўқув жараёни, ўқитувчи-ўқувчи муносабатига эътибор қаратдим. Тартиб-интизом яхши жойда таълим сифати бўлишига яна бир бор амин бўлдим. Амалиётга боришимиз билан 5 нафардан бўлиб амалиёт ўқитувчиларига бириктирилдик. Мен она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Жамолдин Нурмухаммедов бошчилигидаги гуруҳда шуғулландим. Ҳар бир амалиётчи талабани 8 соатлик синов дарсларини ўтиш белгиланган эди. 6-«Е» синфда дарс ўтдим. Ўқувчиларим (буни фахр ва қувонч билан айтаман) жуда зукко экан. Аввалига нисбатан юзаки, дарслик бўйича кўрган тайёргарлигим билан дарсини қизиқarli ва самарали ташкил эта олмадим. Кейинги дарсларга тайёрлашда қўшимча адабиётларга мурожаат этиб, мавзунини чуқурроқ тушунириш ва кенгроқ қамраб олишга

География факультетига йўлингиз тушса, талабаларнинг амалиёт жараёнига оид стендларни кўздан кечириб чиқинг. Кўргазмали стендларда талабаларнинг Қизилсув террасидаги чуқурлаштириш эрозияси жадаллигини ўлчаш, Угам дарёси қирғиғида тўқай ландшафтларини ўрганиш, Қоржонтов тоғ ёнбағирларида барпо этилган сунъий терраларни таъкид қилиш жараёнидаги суратлар акс этган. Яна бир суратда эса ёш геологлар гуруҳи интрузив жинсларни ўрганмоқда. Мана бу суратга боқсангиз, амалиётчи ёшларнинг неоген даври ётқиқликларида ҳосил бўлган сурилмаларни ўрганаётганини кўрасиз.

— Ҳа, бизнинг амалиёт жараёнимиз шундай қизиқarli ва жонли руҳда ўтади, — дейди 4-курс талабаси Шоҳрух Комилжонов. — Биз табиат қўйнида, санъат корхоналарида, илмий-тадқиқот институтларида ҳам салоҳиятимизни оширамиз. Ҳар бир курсда амалиёт ташкил этилади. Жорий ўқув йилида эса педагогик амалиётни ўтадик. Бу жараёнда ўзимга ва билимимга ишонч янада мустахкамланди.

Ҳа, амалиёт талабанинг мутахассис сифатида шаклланишида муҳим босқич бўлмоқда. Амалиёт турига қараб илмий лаборатория, ташкилот ва муассасаларда, музей, архив, ишлаб чиқариш корхоналарида ўтаб, мана шу масканлар учун етук, соҳа ривожига хизмат қилувчи мутахассисларнинг шаклланишига хизмат қилади.

Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Ёзув — миллат кўзгуси

Инсоният ўз тарихи давомида эришган энг катта ютуқлардан бири — ёзувдир. Чунки ёзув ҳар қандай миллат тарраққийтини белгилловчи муҳим омил ҳисобланади. Шу сабабли ҳам ўзини англаган ҳар бир халқ ўз ёзувини такомиллаштириш йўлидан боради; қайси алифбодан фойдаланишидан қатъи назар, тил бойлиги — сўзларни муайян қоидалар асосида ёзишга, шу тилдан фойдаланувчилар учун маъқул бўлган сўзшаклларни излаб топиб, ёзув амалиётида қўллашга ҳаракат қилади. Бу борада тилшунослар жуда зарур ижтимоий, сиёсий, илмий ва лисоний вазифани адо этадилар. Айниқса, яратилган имло лугатлари хамият тараққийётида муҳим аҳамият касб этади, чунки ёзувдаги бирлик миллий бирликка, яхлитликка асос бўлади, ҳатто ягона талаффуз меъёрларини шакллантиришга ҳизмат қилади.

Шу маънода "Akademnashr" нашриёти томонидан chop этилган "O'zbek tilining imlo lug'ati"(2013) Ўзбек адабий тили тарихида катта воқеа бўлди. Негаки, 85 мингдан ортиқ сўз ва терминни ўзига қамраган мазкур лугат ҳозирги кундаги асосий лисоний эҳтиёжни қондиришга ҳизмат қилади. Лугат тuzувчилари — Эрнст Бегматов ва Абдувахоб Мадвалиев кўпийиллик самарали меҳнати, илмий-педагогик тажрибалари асосида мана шундай катта ва салмоқли китобни халққа тақдим этишган. Қувонарлиси шундаки, "Сўзбоши"-дан ташқари, мазкур лугатнинг тузилиши ва таркиби бўйича муҳим кўрсатма берилган. Лугатда берилган сўзлар имлосига оид баъзи қайдлар ҳам ўринли бўлган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида" қарори ҳамда "Ўзбек тилининг асосий қоидалари"нинг берилиши лугатнинг амалий қимматини оширган.

Лугат тuzувчилар мазкур имло лугатининг сўзлагини имкон қадар бойитишга, бугунги лисоний эҳтиёжнинг тўлиқроқ қондиришга интилганлар. Ўзбек адабий тилининг барча услублариға хос сўзлар ва терминлар лотинча алифбо тартибиде келтирилган, айрим сўзларнинг муқобил вариантлари ҳам ҳисобга олинган. Кундалик амалиётда тез-тез ишлатиладиган айрим форсий изофали бирикмаларнинг лугатдан жой олгани, илм-фанга дахлдор кўплаб сўзларнинг илк марта берилиши мазкур имло лугатининг қимматини янада оширган.

Бу имло лугати лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосида яратилган энг йирик, мукаммал имло лугати ҳисобланади. Лотинча алифбодаги сўзшакл-орфограммаларнинг тўғри шаклини бериш, аслида, оддий механик жараён эмас. Чунки ҳар бир сўзнинг ўзбек тилида қўланиш тарихидан хабардор бўлиш, уларнинг қилин ёзувидаги шаклдан фарқлинишини ажратиб олиш жуда мураккаб иш. Айниқса, рус тили ва у орқали Европа тилларидадан ўзлаштирилган сўзларни лотинча алифбода акс эттириш тuzувчилардан маҳоратни талаб қилади. Лугат тuzувчилари бу борада анча ютуқларға эришганлар. Буни "Айрим сўзларнинг ёзилиши бўйича лугат тuzувчиларнинг тавсиялари"дан ҳам билиб олиш мумкин. Негаки, е, ё, ю, я ҳарфли сўзларни лотинча алифбодда бериш ҳозирға қадар ўзбек имлосидаги мунозарали ҳолатлардан бири бўлиб келмоқда. Лугат тuzувчилари айна шу муаммони объектив ҳал этишға уринганлар, аммо... Шу сабабли ҳам биз лугат тuzувчиларнинг шарафли меҳнатини камситмаган ҳолда рус тили орқали ўзлаштирилган сўзлар имлоси бўйича баъзи фикр-мулоҳазаларимизни баён қиламиз. Негаки,

"Сўзбоши"да тўғри таъкидланганидек, "Адабий тилининг имловий меъёрларини белгилаш гоятда масъулиятли ва қийин ишдир. Ўзбек лугатчилиги тарихида ҳозирға қадар турли типдаги ўнлаб лугатлар тuzилган бўлса-да, бу тип лугатларни тuzишнинг илмий асос ва тамойиллари, лугатға киритиш лозим бўлган материалнинг характери ва таркиби, имло лугатлари билан кундалик ёзув амалиётда юз берадиган қоидавурлар ва ушбу асосда имло қоидаларини такомиллаштириб бориш каби кўпгина масалалар ўзбек тилшунослигида ҳали етарли тадқиқ қилинмаган ҳамда назарий асосланмаган. Шу сабабли ҳар қандай имло лугатида ҳам айрим нуқсонлар, мунозарали ўринлар бўлиши табиийдир".

“Ёлашган унлилар”нинг вазифаси нимада?

1940 йилдан бошлаб кирилл ёзувиға асосланган ўзбек алифбосида "ёлашган унлилар" деб номланувчи е, ё, ю, я ҳарфлари қўлланди. Мазкур графемаларнинг ўзбек кирилл ёзувида қўланиши бўйича кўп ёзилган. Аммо е, ё, ю, я ҳарфли сўзларни лотинча алифбодда акс эттириш анча мунозарали. Буни лугат тuzувчилари ҳам

таъкидлаш ўринлики, мазкур сўзларда "ёлашган унлилар" иккита товушни эмас, балки ўзидан олдинги ундошни юмшоқроқ талаффуз этишға хосланган. Аслида, бу ҳолат рус тилиға тегишли лисоний ҳодиса. Ўзбек адабий тилида эса бундай юмшоқлик-қаттиқлик ҳодисаси мавжуд эмас. Биз, одатда, мазкур сўзларни *алуминий, брошюра, бюджет, парашют, плус, костюм, румка, изоляция, канцелярия, вентилятор, шпакловка, дирижор, селодка, тренажор* тарзида талаффуз қиламиз.

Демак ёзувимизда ҳам уларни *aluminium, broshura, budjet, parashut, plus, kostum, rumka, izolatsiya, kanselariya, ventilator, shpaklovka, dirijor, selodka, trenajor* шаклида ёзиб, талаффуз ва ёзув уйғунлигини таъминлаш мумкин бўлади.

Назаримизда, лугат тuzувчилар мазкур муаммонинг асл моҳиятини ҳисобга олмаган кўринади. Буни муаллифларнинг қуйидаги фикри тасдиқлайди: "Аслида, *stajor* билан *aktyor, lustra* билан *byuro, flaga* билан *snaryad* сўзларида мазкур е, ю, я ҳарфлари бир хил позицияда бўлиб, ўзбекча талаффузда умуман фарқ қилмай, икки товуш (**yo, yu, ya**) билан айтилади. Ундолларнинг қаттиқ-юмшоқлиги эса

нафақат сўзларнинг ёзма шакли, балки оғзаки талаффуз шаклининг ҳам меъёрлашуви ва унинг муайян турғун, адабий ҳолатда бўлишиға хизмат қилади, чунки аксарият сўзлар ёзма шаклга асосланган ҳолда талаффуз қилинади".

Бизнингча, "ёлашган унлилар" борасидаги баҳс-мунозарали ҳолатларни яққолроқ тасаввур этиш учун қуйидаги жадвал билан танишиб чиқиш кифоя.

(1-жадвалға қаранг.)

Лекин лугат тuzувчилари бундай йўл тутмасдан, яъни ёзув амалиётдаги ҳақиқий аҳволни тўғри баҳолашдан ўзгача бир йўл тутдилар. Мана муаллифларнинг "катъий тавсияси": "Кўлингиздаги лугатнинг тuzувчилари юқоридаги каби чалқашлик, англашилмовчиликларини ҳамда мазкур тавсияларға имло амалиётда нечоғлик риоя қилинаётганлиги(тўғривоғи, у қадар амал қилинаётганлиги)ни ҳисобга олиб(буни ўзбек лотин алифбосида чоп этилган бир қатор нашрларни кўздан кечириб ишонч ҳосил қилиш мумкин), институтнинг етакчи тилшунослари билан маслаҳатлашган ҳолда, рус тили орқали кириб келган ва таркибиде **ё, ю, я** ҳарфлари бўлган рус-

Ma'rifat

2014-yil 22-yanvar, № 7 (8656)

Millat mulki

ришда "ўзига хос" йўл тutilган: "...ҳозирги кунда "халқро терминэлементлар" деб аталувчи ва кўпинча олд қўшимча(префикс) мақомида келувчи *анти-, би-, био-, гео-, де-, моно-, поли-*каби бирликлар, асосан, унли товуш билан тугайди, улардан кейин келадиган ва **ц** ҳарфи билан бошланадиган бирликлар, улар хоҳ мустақил сўз бўлсин, хоҳ аффикс, ўзбек лотин алифбосида **ts** ҳарфлари билан ёзилиши кера бўлади" (18-бет).

Мана шу принципға асосланган ҳолда тuzувчилар **ц** ҳарфли сўзларни деярли барча ҳолларда **ts** тарзида тавсия қилганлар: **antsiklon, baritsentr, biotsikl, epitsentr, gidrotsiklon, gipotsentr, neyrotsitoz, zootsirk, mototsikl...** Хўш, бундай ҳолат нимаға олиб бориши мумкин? Очиғини айтганда, муаллифлар тутган йўл жўн бўлиб, маттни компьютер дастурлари орқали ўғиришға қаратилган. Аслида, муаммонинг орфографик ечими қандай бўлиши лозим эди? Назаримизда, бунда қуйидаги ҳолатлар, ҳисобга олиниши керак эди. Аввало, мазкур лексемаларнинг ясама(қўшма)

ТИЛИНИНГ МИЛЛИЙ ТАРОВАТИ

лугатларда соғлом сақланиши керак

рус тили учун хос бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тилида бу ҳолат деярли фарқланмайди". Агарда ҳозирги ўзбек адабий тилида бу ҳолат деярли фарқланмас экан, у ҳолда нима сабабдан барча ҳолатларда юқоридаги сўзларни у(й)сиз ёзишни маъқул кўрмаганлар?

"Ёлашган унлилар"ни барча ҳолатларда у(й) ҳарфи билан беришининг яна бир нозик жойи борки, буни амалиётчи ўқитувчилар яхши билишади. Бу — ўзбек тилида сўзларнинг бўғинға ажралиши билан узвий боғлиғини кетади. Масалан, *парашют, канцелярия, вентилятор, артикуляция, дирижёр, селёдка* сўзларининг лугатдаги шаклини олиб кўрайлик: **parashyut, kanselariya, ventilator, artikulyatsiya, dirijyor, selyodka**. Энди уларни бўғинларға ажратиб кўрамиз: **pa-rash-yut, kan-sel-ya-ri-ya, ven-til-ya-tor, ar-ti-kul-yat-si-ya, di-rij-yor, sel-yod-ka**. Демак, мазкур сўзларда **у(й)** ҳарфининг ортиқчилиги, натижада ўнғайсиз бир талаффуз ва бўғин тuzилиши юзаға келгани маълум бўлади. Хусусан, адабий талаффуз меъёрлари бузилади, мактаб ўқитувчилари ўқувчиларға сўзни бўғинларға ажратиб тushунтиришда қийналади-лар. Ваҳоланки, лугат тuzувчилари тўғри таъкидлаганларидек, "Адабий тил ёзма шаклининг меъёрлашуви ва тақомилида, шунингдек, оғзаки ҳамда нукт орасидаги боғлиқлик ва яқинликни мустаҳкамлашда имло лугатлари муҳим роль уйнайди. Имло лугатлари

ча ва байналмилал сўзларни янги имлода барча ўринларда бир хил, яъни **yo, yu, y** ҳарфлари билан ёзишни ва шу орқали бу соҳадаги ҳархилликни бартараф этишни энг мақбул йўл деб ҳисобладилар ва ушбу лугатда шундай йўл тутдилар ҳам".

Ц ҳарфи ва ts бирикмаси айнан бир нарсами?

Ўзлаштирилган сўзлар имлосидаги яна бир мунозарали ҳолат кирилча алифбоддаги **ц** ҳарфли сўзлар билан боғлиқ. Аслида, рус тилидаги қоришиқ товушни ифодаловчи **ц** ҳарфли сўзларнинг шаклини бузмаслик мақсадида ўзбек тилида ҳам мазкур ҳарф ишлатилади. 1993 йили қабул қилинган лотин ёзувиға асосланган ўзбек алифбосида **ц** ҳарфи ўрнида **с** ҳарфи қабул қилинган эди. Аммо 1995 йилги ўзгаришлардан кейин **с** ҳарфи алифбо тартибидан чиқарилди. Лотинча алифбо-мизнинг график ўрниятларидан келиб чиққан ҳолда, ўрниға қараб **s** ва **ts** ёзиладиган бўлди. Ҳозирға қадар нашр этилган лугатларда **ц** ҳарфли сўзларнинг имлоси асосан тўғри белги-ланган. O'zbek tilining imlo lug'ati. «O'qituvchi», 1995 (tuzuvchilar: Ш.Раҳматуллаев, А.Хожиев); Ўзлашган сўзлар имло лугати. «Фан», 1998 (tuzuvchi: P.Жомонов); «O'zbek tilining kiril va lotin alifbolaridagi imlo lug'ati. «Sharq», 1999 (Tuzuvchilar: T.Тогаев ва бошқалар). Лекин O'zbek tilining imlo lug'ati (2013)да **ц** ҳарфли сўзларни акс этти-

сўз эканлиги, улардаги олд қўшимча — префикс муайян маънода ўз ургу-сига эгаллигини муаллифлар назардан қочирган. Масалан, *антициклон* сўзидаги *анти-* олд қўшимчаси ўз мустақиллигини маълум маънода сақлайди. Яъни *циклон* сўзига бутунлай сингиб кетмаган. Ўзбек тилидаги *томорқа, кўзойнак* каби сўзлар ягона бир ургу билан айтилса, *антициклон*да префиксдаги ургу қисман сақланади. Шундай экан, талаффузда ҳам, ёзувда ҳам бундай ҳолат акс этиши лозим: **antsiklon [антисиклон]**. Айни пайтда мазкур типдаги сўзларнинг бўғинларға ажрали-шини ҳам ҳисобга олишға тўғри келади: **an-tit-sik-lon, tet-rat-sik-lin, pen-it-sil-lin, zo-ot-sirk, shvey-tsar...** Мазкур ҳолатни аниқроқ тасаввур қилиш учун навбатдаги жадвал билан танишиб чиқиш кифоя, деб ўйлаймиз. (2-жадвалға қаранг.)

Кўринадики, мазкур лугатда берилган шаклларда талаффуз ҳам, бўғин тuzириши ҳам ўзгариб кетади. Демак, ҳозирға қадар эришилган талаффуз меъёрларига путур етди, сўзларни бўғинға ажратишда чалқашликлар юзаға келади. Ваҳоланки, имло лугатлари мана шундай чалқашликларни бартараф этиши лозим.

Тuzувчилар эса ўз тавсияларида **ц** ҳарфи билан бошланадиган сўзларға эътибор қаратиб, қуйидагича фикр билдирдилар: "1976 йили чоп этилган "Ўзбек тилининг имло лугати"да **ц** ҳарфи билан бошланадиган 100ға яқин

1-жадвал

“O'zbek tilining imlo lug'ati”da берилган шакл	Транскрипцияси (айтилиши)	Юзаға келадиган бўғин тuzилиши	Берилиш керак бўлган шакли	Бўғин тuzилиши
parashyut	[парашйут]	па-раш-йут	parashut	па-ра-шут
kanselariya	[канселйарийа]	кан-сел-йа-ри-йа	kanselariya	кан-се-ла-ри-йа
ventilyator	[вентильатор]	вен-тил-йа-тор	ven-ti-la-tor	вен-ти-ла-тор
artikulyatsiya	[артикульатсийа]	ар-ти-кул-йат-си-йа	artikulatsiya	ар-ти-ку-лат-си-йа
dirijyor	[дирижйор]	ди-риж-йор	dirijor	ди-ри-жор
selyodka	[селйодка]	сел-йод-ка	selodka	се-лод-ка

“O'zbek tilining imlo lug'ati”da берилган шакл	Транскрипцияси (айтилиши)	Юзаға келадиган бўғин тuzилиши	Берилиш керак бўлган шакли	Бўғин тuzилиши
antsiklon	[антисиклон]	ан-тит-сик-лон	antsiklon	ан-ти-сик-лон
baritsentr	[баритсентр]	ба-рит-сентр	barisentr	ба-ри-сентр
biotsikl	[биотсикл]	би-от-сикл	biosikl	би-о-сикл
epitsentr	[эпитсентр]	э-пит-сентр	episentr	э-пи-сентр
fagotsitoz	[фаготситоз]	фа-гот-си-тоз	fagositoz	фа-го-си-тоз
gidrotsiklon	[гидротсиклон]	гид-рот-сик-лон	gidrosiklon	гид-ро-сик-лон
gipotsentr	[гипотсентр]	ги-пот-сентр	giposentr	ги-по-сентр
makrotsiflar	[макротситлар]	мак-рот-сит-лар	makrosiflar	мак-ро-сит-лар
mototsikl	[мототсикл]	мо-тот-сикл	motosikl	мо-то-сикл
neyrotsitoz	[нейротситоз]	ней-рот-си-тоз	neyrositoz	ней-ро-си-тоз
publitsistika	[публистистика]	пуб-лит-сис-тика	publitsistika	пуб-ли-сис-тика

сўз берилган бўлса, яқинда кирилл ёзувида нашр қилинган ва 85 000дан ортиқ сўзни қамраб олган "Ўзбек тилининг имло лугати"да уларнинг сони 170тадан ортади. Демак, ўзбек лотин ёзувида чоп этилажак имло лугатида ҳам **s** ҳарфи билан бошланувчи шунча сўз берилиши керак ва шундай қилин-

ни сақлашға уринамиз, сўзнинг она тилимиздаги айтилиши эса қизиқтирмайди. Шунингдек, ўзбеклар нутқида [ссенарий] тарзидаги талаффузнинг мавжуд эмаслиги, агар шу тарзда ёзилса, *с-се-на-рий* шаклидаги бўғинлар ҳосил бўлиши хаёлимизға келмайди. Ваҳоланки, атоқли тилшунос Я.

лида берилиши ҳам нотўғри. Негаки, **brutsellyoz** сўзшакли [**брутселлийоз**] тарзида талаффуз қилиниб, брут-селлийоз шаклидаги бўғин тuzилишиға эга бўлади. Кўриниб турибдики, мазкур сўзнинг айтилишида ҳам, бўғин тuzилишида ҳам ноқулайлик бор. Агарда *бруцеллёз* сўзи имло лугатларида **brurselloz** шаклида бериладиган бўлса, ушбу лексема деярли ўзбекча сўзға айланади, халқ жонли талаффузига яқин вариант ҳосил бўлади, унинг она тилимизға сингиб кетиши тезлашади.

Мазкур имло лугатидаги **leshch** сўзшаклини кўриб, хойнаҳой кирилча лугатдаги *leshch* сўзи бўлса керак деб тасаввур қилдим. 1956 йилги имло қоидаларига мувофиқ рус тилидаги *борщ, плашч, мешчан, шчи* сўзлар *боршч, плашч, мешчан, шчи* тарзида ёзиб келинади. Мана шу камчилик мазкур лугатда тuzатилган ҳамда *borsh, plash* шаклида ўзбеклар нутқиға мос равишда тавсия этилган. Бизнингча, *leshch* сўзини ҳам **lesh** шаклида бериш мақсадға мувофиқ бўлур эди.

Айни пайтда мунозара тарзида яна бир фикрни айтиш мумкин. Маълумки, рус тили орқали ўзлаштирилган айрим сўзлар охирида ундоллар қўшалок ҳолатда қўлланди: *грамм, пресс, ватт, процесс, кирилл...* Ўзбек кирилл алифбосидаги ҳолат лотинча ёзувға ҳам кўчиб ўтган: *gramm, press, vatt, protsess, kirill*. Мазкур ҳолатни ҳам нормал деб ҳисоблаш мумкин. Энди мана шу сўзларға қўшимчалар қўйилса, қандай ҳолат юзаға келади: *press-lovchi, vatt-li, protsess-li, kirill-cha* каби. Назаримизда, айна шундай ҳолатларда қўшалок — геминант ундолдан бирини тuzириб қолдириш ўринли бўлади. Натижанда уларнинг талаффузида ҳам, бўғинларға ажралишида ҳам қулайлик келиб чиқади, холос.

"O'zbek tilining imlo lug'ati" ўзбек тилшунослиги эришган катта ютуқлардан бири. Чунки 85000дан ортиқ сўзнинг тўғри ёзилиш шаклини кўрсатиб бериш, бу — оддий иш эмас. Бунда лугат тuzувчиларининг кўпийиллик заҳматли меҳнати муҳассаллашган. Узини зиёли деб ҳисоблайдиган ҳар бир ўзбек, истайдими-йўқми, кунда-кунора ушбу лугатға мурожаат қилади, ундан ўз эҳтиёжи учун фойдаланади, яна кимгадир тавсия этади. Қисқаса, мазкур лугат, биз кўрсатиб ўтган айрим камчиликлардан қатъи назар, илм аҳли учун ҳам, педагогу талаба учун ҳам, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ҳам бирдек зарур қўллана бўлиб қолади. Лугат тuzувчилари бизнинг мулоҳазаларимизни самимий қабул қилиб, унинг кейинги нашрларини янада такомиллаштириб бороверади, деб умид билдириб қоламиз.

Равшан ЖОМОНОВ,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти,
филология фанлари номзоди

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим
ТУРКМАН тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2014-2015
ўқув йилида фойдаланишга тавсия этиладиган дарслик ва ўқув қўлланмалар
РЎЙХАТИ**

T/p	Дарслик номи	Муаллифлар	Нашр этилган йили	Таъминла-ниш холати
1-синф				
1	Алифбе (Harflik)	Қ.Абдуллаева ва б.	2014	Бепул
2	Ўзув дафтари (Harflik depden)	К.Холлиев	2014	Бепул
3	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2014	Бепул
4	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Г.Абдуллаева ва б.	2014	Бепул
5	Математика	М.Ахмедов ва б.	2014	Бепул
6	Математика дафтари	М.Жумаев ва б.	2014	Бепул
7	Атрофимиздаги олам	А.Григорьянц	2014	Бепул
8	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2014	Бепул
9	Тасвирий санъат	Р.Ҳасанов	2014	Бепул
10	Муסיқа	Х.Нурматов ва б.	2014	Бепул
11	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2014	Бепул
12	Инглиз тили "Kid's English-1"	М.Ирискулов ва б.	2014	Бепул
13	Немис тили "Deutsch macht spab"	М.Дадаходжаева ва б.	2014	Бепул
2-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2014	Ижара
2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2014	Ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2014	Ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи танлов	Ижара	Ижара
5	Математика	Н.Абдурахмонова ва б.	2014	Ижара
6	Атрофимиздаги олам	П.Фуломов ва б.	2014	Ижара
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2014	Ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2014	Ижара
9	Муסיқа	Х.Нурматов ва б.	2014	Ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2014	Ижара
11	Инглиз тили "Kid's English-2"	М.Ирискулов ва б.	2014	Бепул
12	Немис тили "Deutsch macht spab-2"	М.Дадаходжаева ва б.	2014	Бепул
3-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2014	Ижара
2	Она тили (Ene dili)	Г.Абдуллаева ва б.	2014	Ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	Ш.Абдуллаева ва б.	2014	Ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи танлов	Ижара	Ижара
5	Математика	С.Бурхонов ва б.	2014	Ижара
6	Табиатшунослик	А.Бахромов	2014	Ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2014	Ижара
8	Тасвирий санъат	М.Исакова ва б.	2014	Ижара
9	Муסיқа	Х.Нурматов ва б.	2014	Ижара
10	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2014	Ижара
4-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2013	Ижара
2	Она тили (Turkmen dili)	А.Қодиров	2013	Ижара
3	Ўқиш китоби (Okuw kitaby)	А.Қодиров ва б.	2013	Ижара
4	Русский язык	М.Алиев ва б.	2013	Ижара
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2013	Ижара
6	Табиатшунослик	А.Бахромов	2013	Ижара
7	Одобнома	М.Холиқова ва б.	2013	Ижара
8	Муסיқа	О.Иброҳимов	2013	Ижара
9	Жисмоний тарбия	К.Маҳкамжонов ва б.	2013	Ижара
5-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев ва б.	2011	Ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	Г.Сулонова ва б.	2011	Ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	К.Раззоқова ва б.	2011	Ижара
4	Русский язык	О.Қодирова	2011	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2011	Бепул
6	Немис тили «Deutsch»	М.Қиёмова ва б.	2011	Бепул
7	Француз тили "Bonjour la France"	А.Носиров ва б.	2011	Бепул
8	Тарихдан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2011	Ижара
9	Математика	Б.Хайдаров	2011	Ижара
10	Информатика	Д.Қамолитдинова	2012	Ижара
11	Табиий география бошланғич курси	П.Фуломов ва б.	2011	Ижара
12	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2011	Ижара
13	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	Ижара
14	Муסיқа	А.Мансуров ва б.	2005	Кутубхона фонди
15	Жисмоний тарбия (5—6-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	Кутубхона фонди
6-синф				
1	Ўзбек тили	Ҳ.Муҳиддинова ва б.	2013	Ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	М.Ханматов ва б.	2013	Ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Р.Қиличев ва б.	2013	Ижара
4	Тарих	А. Саъдуллаев ва б.	2013	Ижара
5	Русский язык	Г.Ғасилова	2013	Ижара
6	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2013	Бепул
7	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2013	Бепул
8	Француз тили	З.Абдушукурова ва б.	2013	Бепул
9	Математика	М.Мирзаахмедов ва б.	2013	Ижара
10	Физика	Н.Турдиев	2013	Ижара
11	Ботаника	Ў.Пратов ва б.	2013	Ижара
12	Ватан туйғуси	Х.Султонов ва б.	2011	Ижара
13	Муסיқа	А.Мансуров ва б.	2005	Кутубхона фонди
14	Жисмоний тарбия (5—6-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2006	Кутубхона фонди
7-синф				
1	Ўзбек тили	Ҳ.Муҳиддинова ва б.	2013	Ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	М.Ханматов ва б.	2013	Ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Г.Сулонова ва б.	2013	Ижара
4	Русский язык	С.Исламбекова ва б.	2013	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Цой ва б.	2013	Бепул
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2013	Бепул
7	Француз тили	В.Бухин ва б.	2013	Бепул
8	Ўзбекистон тарихи	А.Муҳаммаджонов	2013	Ижара
9	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2013	Ижара
10	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2013	Ижара
11	Геометрия	А.Азамов ва б.	2013	Ижара
12	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2013	Ижара
13	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2013	Ижара
14	География	П.Фуломов ва б.	2013	Ижара
15	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	М.Қаршибоев ва б.	2011	Ижара
16	Зоология	О.Мавлонов	2013	Ижара
17	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2013	Ижара
18	Тасвирий санъат	А.Сулaimонов ва б.	2007	Кутубхона фонди
19	Муסיқа	О.Иброҳимов ва б.	2008	Кутубхона фонди
20	Жисмоний тарбия (7—8-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	Кутубхона фонди
8-синф				
1	Ўзбек тили	Ҳ.Муҳиддинова ва б.	2014	Ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	Х.Аразқилчиева ва б.	2014	Ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Н.Гурбанбердиев ва б.	2014	Ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи танлов	Ижара	Ижара
5	Инглиз тили «Fly High English»	Л.Жўраев ва б.	2014	Бепул
6	Немис тили «Assalom, Deutsch!»	Н.Суханова ва б.	2014	Бепул
7	Француз тили «Le nouveau voyage en France»	З. Абдушукурова ва б.	2014	Бепул
8	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	Ижара
9	Ўзбекистон тарихи	Қ.Усмонов ва б.	2014	Ижара
10	Жаҳон тарихи	У.Жўраев ва б.	2014	Ижара
11	Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқ асослари	О.Қаримова ва б.	2014	Ижара
12	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	2014	Ижара
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
14	Геометрия	А.Раҳимқориев	2014	Ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2014	Ижара
16	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2014	Ижара
17	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2014	Ижара
18	География	П.Мусаев ва б.	2014	Ижара
19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	Р.Қўчқор ва б.	2011	Ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара
21	Жисмоний тарбия (7—8-с.)	Т.Усмонхўжаев ва б.	2007	Кутубхона фонди
9-синф				
1	Ўзбек тили	А.Рафиев	2014	Ижара
2	Туркман тили (Turkmen dili)	И.Аразов ва б.	2014	Ижара
3	Адабиёт (Edebiyat)	Г.Велбегов ва б.	2014	Ижара
4	Русский язык	Муаллифлар гуруҳи танлов	Ижара	Ижара
5	Инглиз тили "Fly High English"	Л.Жўраев ва б.	2014	Бепул
6	Немис тили «Deutsch»	М.Дадаходжаева ва б.	2014	Бепул
7	Француз тили «D'un Etat a l'autre»	С.Раҳмонов ва б.	2014	Бепул
8	Жаҳон тарихи	М.Лафасов ва б.	2014	Ижара
9	Ўзбекистон тарихи	С.Тиллаев ва б.	2014	Ижара
10	Конституциявий ҳуқуқ асослари	Г.Тансиқбаева ва б.	2014	Ижара
11	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариков ва б.	2014	Ижара
12	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2014	Ижара
13	Геометрия	Б.Хайдаров ва б.	2014	Ижара
14	Информатика	Б.Болтаев ва б.	2011	Ижара
15	Физика	П.Ҳабибуллаев ва б.	2014	Ижара
16	Кимё	И.Аскарлов ва б.	2014	Ижара
17	Биология. Цитология ва генетика асослари	А.Зикиряев ва б.	2014	Ижара
18	Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси	А.Қаюмов ва б.	2014	Ижара
19	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова ва б.	2011	Ижара
20	Чизмачилик	И.Раҳмонов	2014	Ижара
21	Жисмоний тарбия	Т.Усмонхўжаев ва б.	2005	Кутубхона фонди

2014-yil 22-yanvar, № 7 (8656)

Мухтарам муштарий, сиз билан биз дунё тамаддуни юксаклик сари юз тутган бир даврнинг ва, айна пайтда, ўзига хос тараққиёт йўлини белгилаб олиб, келажаги томон огишмай, илдам одимлаб бораётган бир мамлакатнинг фуқароларимиз. Демакки, ҳам замондўш, ҳам юртдошмиз! Мен ушбу мавзуга қўл ураarkanман, ватандош сифатида жорий йилимизнинг номлаши жамики оилалар даврасида — ўзаро суҳбатларда ва ўзбекона қалб билан яна бир бор муҳокама қилинишини, хулосалар чиқарилишини орзу қилдим. Замондош бўлиб эса, сиз азизларни оламга ақла тафаккур кўзи билан боқиб, эришилаётган муваффақиятлар, мавжуд муаммолар хусусида яна ва яна мулоҳаза юриштига ундамоқчиман.

Топган энагасининг ўзи зўрга юрадиган кампир, бувининг ўзига қаровчи керак. Ота-оналаримиз бошқа шаҳарда яшаса, ахир одам муштдеккина жигарини беғонага ишона оладими? — деган гапни уқтиришга ҳаракат қилади. Биз фаоллар келишиб, уларнинг рўзғоридеги тўқисликдан келиб чиқиш келинга ётиги боқан тушунтиришга, сабр-тоқат, қаноат билан болани тарбиялаш ҳам катта аҳамиятга эгаллигини англаштига уринаямиз. Аммо

2014-yil — Sog'lom bola yili

фарзанд кўраётганлари бор гап! Тўғри, ҳатто бекаликнинг гўзал юмушларию, ёстикдошликнинг илиқ туйғуларидан мосуво муносабатларигача «темир одам»ларга юклаганлар «оналик»ни, эҳтимол, сотиб олишга эришгандирлар ҳам. Аммо ҳеч бир тараққиётнинг ҳеч бир маҳсули она бағрининг қайноқ ва соф, дилдан узилиб дилбандларни яратувчи муҳаббатини ўзида мужассам этишга қодир эмас! Эшик «тиқ» этса жавдираб, бир оғиз илиқ сўзга зор бўлиб ўтажак кексалик азобига малҳам топа олармикан ўша «кашфиётчи»-

Бунга ҳеч қандай исбот талаб этилмайди ҳам.

— Яқинда бир фильм кўрдим, унинг қаҳрамони кўкрагига урганча «Миллион-миллион пул орттирдим. Қўлларимни қай ёнга чўсам етади. Аммо сув ёқалаб юрган миробчалик бахт тополмадим», дея аччиқ кўз ёш тўқади. Нега? Чунки у болаларига керак бўлганида бошида туриб бера олмади. Юқоридеги тилга олганимиздек «фароғатли» ҳаёт томон ошқиди. Дийдорига зор этди фарзандларини ва ўша онларда қисматининг маънисиз уруғини келажагининг нурсиз бекатларига қадаган эди. Бугун эканининг аччиқ мевасини татиб, захрига дош беролмай уввос солаяпти. Хўш, ўзи дунёга келтирган норасидалари қандай чидаган экан у бошига солган интизорлик, муштоқликдек кўргуликларга?! Сўзимиз ибтидоида деганимиздек, биз ота-болалари тасаввур ҳам эта олмаган давру давронларни сураётган авлодмиз. Телевизор пултини босиб Ер ўзининг хоҳлаган қитъаси ҳаёти билан таниша оламиз. Интернет тармоғи орқали узилаётган ахборотлар оқими баъзида хотираларимиздаги чизгиларни айқаш-уйқаш қилиб ташлаш даражасида кўп. Ана шу нуқтадан туриб яна фикр юрийтилик-а: нега ҳукуматимиз сиёсатида соғлом авлод тарбияси, хотин-қизларнинг асраб-авайлаш, уларнинг, эҳр аввало, она сифатидаги меҳнатларини қадрлаш, масъулиятларини ошириш масаласи йилдан-йилга долзарб вазифалар қаторига кўтарилаяпти? Келинг, яна дунё минтақаларидаги фожеалар магзини чақмоққа уринайлик: молу дунёсининг ҳисоби йўғ-у, жасадини ким дафн этишини билмасдан мижа қоқмай чиқаётган кексалик бизга энг биринчи жавобни айтади. Замонасининг оламшумул ихтироси, деяр тан олинган яратувчанлик ҳам унга ўғли ёки қизи юрагининг ҳарорати билан изҳор этилувчи ширин каломини етказа олмайди. Қўлларидан тутиб, лоақал бир дақиқа фарзандига айлана олмайди! Хунрезликлар авжига чиққан, қавму қариндошчилик у ёнда турсин, ака-укасини танимас даражадаги оқибатсизликлар онанинг бағри — оддийгина аллалари билан асрларнинг аламларига малҳам топмоқ мураккаб бўлган сўзсиз исботлаб беради.

ИҚРОР

ёки она бағри ҳақида сўз

Биринчи воқеа

— Бу кунларнинг қадрига етинг, эъозланг, деган иборалар шунчаки жимжимдор гаплар эмас, — деди эларо ўзига яраша иззат-ҳурмат топиб, касбу кори ортидан катта ютуқларни қўлга киритган опа. — Лекин, тўғриси айтсам, йўқотганларим — энди қанчалик уринмай, аримайдиган армонларим ҳам кам эмас. Бу ушалмас орзу — болаларим ёшлигида, ғам-хўрлигим, иссиқ бағримга муҳтож пайтда уларнинг ёнида бўлолмаганимдир! Қанийди, ўша бебаҳо дамлар яна қайтса-ю, уларни меҳр-муҳаббат оғушида парвариш этсам, сайр қилдирсам, барча саволларига ҳижжалаб жавоб қайтарсам, эртақлар айтиб бериб, шерьлар ёд олдирсам, дейман. Аммо... Ўша даврларда бизга бор-йўғи туғруққача икки ой, ундан сўнг икки ой ишламаслик имконияти бериларди, холос. Миттивойларимни гоҳ онамникига, гоҳ қайнонамникига олиб бериб берар, бу оворагарчиликлар масъулиятимни янаям оширганиданим, ўзимни ўтга, чўққа уриб «иктидор»имни намоен этишига уринардим. Болажонларим оқшомлари пинжимга суқилишса, ҳолдан тойиб қолган вужудим уларни эркалашга ҳам изн бермасди. Шундай бўлса-да, ўғил-қизларим яқинларимнинг кўмагида ақлли-хушли фарзандлар бўлиб вояга етишди, шукр. Лекин онанинг иссиқ бағри тафтини тўлиқ ҳис этиб, сутимни қониб-қониб ичмаганлари ахён-ахёнда бўлса-да сезилиб туради. Шунда юрак-юрагимдан зил кетаман...

Юртбошимиз катта минбардан туриб йилимизнинг атилаши ҳақидаги тақлифларини ўртага ташлаганларида кўзимга ёш қалқиди. Турмуш ўртоғим зимдан мен томон қараб олдилар. Набираларим ҳайрон эди. Уларнинг пешонасидан ўпиб қўйдим-у, қизларим, келинларимга айтадиган гапларим жуда кўп эканига яна бир бор иқрор бўлдим. Болалик инсоннинг она билан

ширин, тотли, бахтга тўлиқ фасли. Унинг шу ёшида меҳрибонидан олганлари дил тубига муҳрланади ва ақлини таниб боргани сари тўлиб, тиниқлаша боради. Меҳр кўрдими, меҳрибонлик кўрсатмоқ фарзи бор унда! Қўмсаганлари, излаганларини атрофидан тополмайин дийдалари қотдими? Камолга етгани баробарида туйғуларининг инжусини чирмовуқдай ўраб олган бу оғу танга сингич кетган дарддай иситмасини ошкор эта боради.

Иккинчи ва учинчи воқеа

— Ҳозир бир хонадондан чиқиб келаямиз, гулдек оила бузилиб кетади ёки ҳар кунги тортишувлар натижасидаги носоғлом муҳит болалари қалбини илма-тешик қилиб ташлайди, — дейди маҳалла раисаси. — Келинчақ ўқимишли, йигитнинг ҳам гулдек хўнари бор, денг. Уйли-жойли. Тагида машинаси. Ҳавас қилса қилгулик. Лекин ҳаётларининг ичига кириб бориб, муаммоларининг ечимини топаман десангиз, бошингиз овера. Онаси:

— Ёшлигимда ишлаб, ўз ўрнимни мустақамлаб олишим, орттириб фарзандларимнинг келажагини яратиб олишим керак. Ишимда бир узилиш бўлса, яна йўлга қўйиб олишим мушкул — дейди. Шу мақсадда ҳали ёшига етмаган кизчасига энага ёллаб қаратади ва ўзи шом қоронғисига зўрга уйига етиб келади. Эмишки, кириш, қозон-товогини машина юварингисига, энагага тўрт-беш сўм қўшиб берса, кийимлари ҳам дазмолланган. Эри музлатгичдаги ярим тайёр маҳсулотларни қозонга солиб бир айлантурса, вассалом. Ишбилармон эрга эса оиласида аёл назокати, латофати, оналик бекалик ўрни етишмапти ва жон-жаҳди билан:

— Уйда ҳамма нарса бисёр. Болани бир амаллаб-ку, она сутидан бебаҳра қилди. Ҳеч бўлмаса меҳр бериб парваришласин. Вақти-соати етганида, албатта, ишини давом эттиравелади.



у шаштидан қайтадиган эмас. Куёв ҳам аросатда. Хотинига жуда зарур десангиз, вақтинчалик уйда бирор хўнар билан шуғуллана туринг, десак ҳам бўйин эггиси келмайди...

Опанинг гапларини эшитиб, у кўни дугонам ташвиш билан сўзлаб берган яна бир воқеа кўз ўнгимда жонланди: яқинда дунёга келган гўдакни кўридан ўтказиш учун борган шифокорлар онасининг қаёққадир отланиб тургани устидан чиқди ва «Ахир, сиз болалик бўлганингизга бир ой ҳам бўлмадику?!» деган ажабланишларига «Қоматимни йўқотиб бола эмизish ниятим ҳам йўқ. Бу менинг ҳуқуқим. Ана уни (болага ишора қилиб) керак бўлса, уйимга келиб қарайдиганлар бор...», деган жавобни олишди.

Воқеалар тафсилоти атрофидеги мулоҳаза юритар экансиз, момоларимизнинг «Болали аёлинг кўлидан боласини эмас, юмушини ол» деган маънони ўзида жамлаган нақли ўтади. Илдизи аждодларимизнинг ана шу янглиг пурмаъно тажрибалари, ҳаётий ҳақиқатларига қониб туташувчи ўзбек қонунчилиги бандларидеги она ва бола масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани беҳиз эмас. Буни барча бирдек тушуниши учун «оммавий маданияти» сифатида тарғиб қилинаётган ақидаларнинг турган-битгани зарарли экани ҳақида бот-бот гапириб зарурмикан? Ҳа, яшашни завқли меҳнат, илм ва ижод синоятларини симиришдек лаззат эмас, бус-бутун «фароғат»га айланган айрим мамлакатларда тулла-тузуқ, тўрт мучаси саломат жуфтликларнинг ҳам «она» ёллаб

лар? Албатта, йўқ! Чунки бундай азиятлар алақачон бошларига тушган. Хатони тушуниб оламни уйғотиш, сергаклантиришдек олижаноблик эса уларга мутлақо ёт. Аксинча, бу ҳавф доираси қанчалар кенгайса, улар шунчалар сармаст ва шодумон! Оила аталмиш сеҳрли гўша, миллат ва миллий қадриятлар саналган эъзозу эҳтиром уларнинг сўз бойлигидаги ўлик атамаларга айланиб қолган бўлса, не ажаб? Лекин биз зийрак ва оғоҳ бўлайлик, бағримизга маҳкамроқ босайлик болаларимизни!

Хулоса ўрнида

«...Одамзод ёши улғайгани сари бахтиёр турмуш кечириш учун кўп нарса керак эмаслигини англай бора экан, қачонки ўқиб, уқий олса...». Бу каби иборалар тез-тез қулоққа чалинади. Чиндан ҳам, кексайганингиз сари одми либослардагина танингиз яйраши, табиий неъматлар жонингизга қувват бўлиши, ҳар нени истеъмол қилиб ҳазм қилавермаслигингизни — хуллас, ўз вужудингиз билан тиллашишга мажбур эканингизни тан ола борасиз. Лекин сочларингизнинг оқи ортгани сари меҳр аталмиш жаҳоҳирга зориқиш, интиқлик ҳам орта боради.

Севимли ўқувчим, мен юқоридеги воқеаларни баён эта туриб, асло хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрнига у ёки бу даражада баҳо бермоқчи эмасман. Зеро, бир оддийгина қаламқаш сифатида мен ҳам уларнинг сафидаман. Аммо болаларимизга оналикнинг иссиқ бағрини ўз вақтида бермас эканмиз, кун келиб у нафақат яқинлари, балки жамиятга ҳам озор етказмайди, дея ҳеч ким қафолат бера олмайди. Зотан, доно халқимизнинг «Бирники мингга, мингники туманга» деган нақли ҳам бор!

Ойбуви ОЧИЛОВА

Онлайн тарбия қатъий қонун асосида

Канадада бола ҳуқуқлари дахлсизлигини таъминловчи алоҳида қонунлар ишлаб чиқилган. Ота-оналарнинг болаларга қўл кўтариши, қаттиққўллик билан жазолаши ёки 12 ёшгача бўлган фарзандини уйда қаровсиз қолдириши тақиқланади. Бундай ҳаракатлар бола шахсиятига нисбатан ҳурматсизлик саналиб, тарбиянинг янада ёмонлашувига олиб келади, дея қаралади. Ана шундай вазиятларга гувоҳ бўлган ҳар қандай киши, хоҳ у кўшниси бўлсин, хоҳ ота-онаси, дарҳол ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилишни ўзининг инсоний бурчи деб билади. Баъзан фарзандларнинг ўзлари ҳам ноҳақ жазолагани учун ота-онаси устидан ҳуқуқ-тартибот органларига арз қилган ҳолатлар учраб туради. Қонунбузар ота-она эса катта микдордаги жарима ёки маълум муддат қамоқ жазоси билан жазоланиши мумкин.

Канадада феълӣ оғир, вақти-вақти билан жазавага тушадиган болаларга нисбатан «тантрум» атамаси ишлатилади. Кучли стресс, тўйиб ухламаслик, очлик, кўрқув, безовталик натижасида юзага келадиган бундай ҳолат 20–30 сониядан, то бир неча дақиқача давом этади. Бола бундай вазиятда назоратни йўқотиб, бақириб-чақиршига, оёқ-қўллари билан уриб-тепишга, йиғлашга тушади. Тадқиқотларга кўра, «тантрум» ҳолати мактабгача ёшдаги болаларнинг 80 фоизда учрайди. Шу боис, кўплаб канадалик ота-оналар учун бундай ҳолатга тушиб қолган болага нисбатан зўрлик ишлатмасдан тарбияловчи усулни ўйлаб топиш зарурати туғилган.

«1-2-3 усули» — муваффақиятли метод

Америка психологлар ассоциацияси аъзоси Томас Фелан 1970–1984 йиллар давомида «тантрум» ҳолати сабабларини ўрганиб, 2–12 ёшли болаларни қаттиққўллик билан жазоламасдан тарбиялашнинг самарали усулини ўйлаб топди. «1-2-3 усули» номли китоб болаларнинг ёмон ҳулқ-атворларини бартараф этиш, ижобий хислатларини кучайтириш ҳамда ота-она ва бола ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган. Киска муддат ичида муваффақият қозongan ўқув қўланма аввалига испан, италян, хитой, корейс, япон тилларига, кейинчалик эса дунёнинг бошқа тилларига таржима қилинди. Кўп вақт ўтмай, ушбу тавсияноманинг аудио-видео кассетлари ва CD-дисклари ҳам сотувга чиқди. Мазкур усул ҳозир ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ.

Бола тўполон қилмоқда. Ва-

зиятни қандай изга солиш мумкин? Ота-оналар босиқлик ва ишонч билан «1-2-3 усули»ни қўллашлари мумкин. Ҳеч қандай гап-сўзсиз, жанжалсиз, вазиятга ойдинлик киритиш мақсадида совуққонлик билан жиддий оҳангда «учгача санайман, бир...» деб оғохлантиради ва беш сония кузатади. Агар бола ҳулқини тўғирлама-

Умумий ўрта таълим: олий ўқув юртига кредит орқали кириш

Канада мактабларида ҳам кибга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчилар 8-синфдаёқ психолог-ўқитувчилар кўмагида маълум бир касбни танлаб, келажакдаги режаларини аниқлаб олишади. Мазкур босқичда улар коллеж ёки университетларга кириш тартиб-қоидалари билан

ЕТУКЛИК АТТЕСТАТИ УЧУН 30 КРЕДИТ



Канада қарийб 10 миллион квадрат километр майдонни эгаллаган, ҳудудининг катталиги бўйича дунёда иккинчи ўринда турувчи давлат. 32 миллион аҳолининг асосий қисми инглиз ва француз тилларида гапириб, БМТ маълумотларига кўра, Канада яшаш шароити яхшилиги, атроф-муҳит софлиги ва мукамал таълим тизими билан жаҳондаги етакчи мамлакатлардан бири саналади. Ушбу мамлакатдаги олий таълим муассасалари дипломи дунёнинг истаган ерида юқори баҳоланади. Бугунги кунда илм-фан соҳасида етишиб чиқаётган етук мутахассисларнинг салмоқли қисми ҳам айнан канадаликлар ҳисобига тўғри келади. Бундай муваффақиятлар сирини, албатта, таълим ва тарбиянинг самарали йўлга қўйилганидир.

са, санашда давом этади: «икки», хатти-ҳаракатлари ўзгармаса, яна беш сониядан сўнг «уч», деб, албатта, болага жазо қўлаши шарт.

Одатда жазо сифатида болаларни кичикроқ хонанинг бир бурчагига стулга ўтказиб қўйишади. Аммо хонада ҳеч ким бўлмаслиги, ҳатто, телефон ёки компьютер ҳам олиб қўйилиши керак. Жазо хонасида турли китоблар ёки оддий ўйинчоқларнинг бўлиши фойдадан холи эмас. Бола хонадан чиқшга уриниб, хархаша қилса ҳам, эътибор бермаслик зарур. Шунингдек, ширинлик бермаслик, телевизор кўриш ва ўртоқлари билан учрашишни тақиқлаш, севимли ўйинчоғини олиб қўйиш ёки барвақт ётоғига жўнатиш каби жазо турларини ҳам қўллаш мумкин. Бироз вақт ўтиб бола қилган иши нотўғри эканини тушуниб этади. Болаларнинг ақсариятига бундай жазоларни бир марта қўллашнинг ўзи кифоя, аммо айримлари, ота-онам ушбу қоидаларга ҳақиқатан ҳам амал қилиш ёки қилмаслигини синаяпти, деб хархаша қилишда давом этади. Шуни унутмаслик лозимки, қатъий ота-оналаргина бир ҳафтада ўз мақсадларига эришиши мумкин.

Истисно ҳоллар: агар бола бемор бўлса ёки нимадандир безовталанса уларга нисбатан бундай усулни қўллаш тақиқланади. Баъзан болаларга меҳр, эътибор етишмаслиги, ота-оналарнинг ёмон муносабати ҳам «тантрум» ҳолатига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис ота-оналарга вазиятдан тўғри хулоса чиқариб, мазкур усулдан уринали фойдаланиш тасвир этилади.

Канада мактабларида ҳам кибга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчилар 8-синфдаёқ психолог-ўқитувчилар кўмагида маълум бир касбни танлаб, келажакдаги режаларини аниқлаб олишади. Мазкур босқичда улар коллеж ёки университетларга кириш тартиб-қоидалари билан

Xorijda ta'lim

урганиши мумкин. Уз ичига 35 та фанни олган Мураккаб-лаштирилган фанлар дастури (The Advanced Placement (AP) program) 1955 йили коллежлар уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган. Университет даражасида ўқитилади-

ёхуд Канада таълим тизимининг ўзига хосликлари хусусида

яқиндан танишадилар. 9-синфдан бошлаб эса танлаган мутахассислиги бўйича ихтисослашган мактабларга ўтиб, 4 йиллик University Preparation Courses академик таълим дастури асосида билим олишади. Коллежда ўқишни истаган ўқувчилар эса College Preparation Courses таълим дастурини ўқиши лозим. Мактабни тамомлаб, ишга жойлашиш мақсадида юрган ёшлар учун Workplace Preparation Courses таълим дастури мавжуд.

Маълумотларга кўра, қарийб 50 фоиз ўқувчи умумтаълим мактабини битиргач, савдосотик, ишлаб чиқариш, қурилиш, транспорт, нефть қазиб олиш ва бошқа корхоналарга ишга жойлашади. Улар 11–12-синфда ўқиб юрган кезларидаёқ корхоналарда амалиёт ўтаб, сўнг ишга жойлашиб кетиш имконига эга.

Канаданинг Онтарио провинциясида ўқувчилар ўрта таълим муассасасининг аттестатини олиш учун 30 та кредит тўллаши лозим. Кредитларнинг 18 таси мажбурий фанлар, 12 таси эса ўқувчи ўзи танлаган фан учун ажратилади.

Мажбурий фанлар рўйхати:

инглиз ёки француз тили — 4 та кредит;
математика — 3 та кредит;
аниқ фанлар (биология, кимё, физика) — 2 та кредит;
Канада тарихи — 1 та кредит;
Канада географияси — 1 та кредит;
санъат — 1 та кредит;
саломатлик ва жисмоний тарбия — 1 та кредит;
жамоатчилик ва ҳуқуқ асоси — 0,5 та кредит;
касб танлаш фани — 0,5 та кредит.

Шунингдек, ўқувчи яна 3 та кредит жамлаш учун ҳар бир гуруҳдан қўшимча 1 тадан фан танлаши шарт.

1-гуруҳ. Она тили, иккинчи хорижий тил, антик тил, Канада ва бутунжаҳон муаммолари, касб танлаш ва муваффақиятга эришиш ёки ихтиёрий фандан амалиёт.

2-гуруҳ. Жисмоний тарбия, санъат, бизнес, хорижий тил ёки ихтиёрий фандан амалиёт.

3-гуруҳ. Илм-фан (биология, кимё, физика) технологияларини ўрганиш, хорижий тил, компьютер ёки ихтиёрий фандан амалиёт.

Ўқувчилар мажбурий ва ихтиёрий фанлардан ташқари, қўшимча бир ёки бир нечта мураккаб фанларни ҳам

ган мазкур дастур нуфузли олий ўқув юртлирига кириш имконини беради. АҚШ, Канада ва Буюк Британия давлатларидаги ақсарият олий таълим муассасаларига кириш учун айнан юқоридаги мураккаблаштирилган фанлар бўйича олинган кредитларнинг ўзи кифоя.

Хусусий мактаб — кучли индивидуал ёндашув

Канададаги 7-8 фоиз умумтаълим мактаблари хусусий бўлишига қарамай, қисман таълим вазириги тасарруфида бўлади. Хусусий таълим муассасаларида ўқувчиларга кенг имкониятлар яратилган. Улар ҳам оддий матабар сингари фанларни кизиқишга қараб танлаши, ҳатто, ғайрат билан ўқиб, умумтаълим дастурини бир неча йил эртароқ тамомлаши ҳам мумкин. Пуллик хусусий таълим муассасаларининг асосий ютуғи ўқувчилар сонининг камлиги ва индивидуал ёндашувнинг кучлилиги билан боғлиқ.

Хусусий мактаблар, асосан этник гуруҳлар қарамоғида фаолият кўрсатиб, таълим-тарбия ишлари ҳам ўша гуруҳ тилида олиб борилади. Бундай мактабларнинг ўғил ва қиз болалар алоҳида ёки бирга ўқийдиган, кундузи ёки интернет тарзидаги турлари мавжуд.

Қоидага кўра, интернет ўқувчиларига мактаб ҳудудидан узоқлашиш қатъий тақиқланади. Хусусий мактабларда ўқувчиларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиб боришни осонлаштириш мақсадида, алоҳида ажралиб турувчи бир хил махсус кийимлар жорий этилган. Болаларни дам олиш кунларини уйда ўтказиши учун ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи васий киши мактаб раҳбариятига ариза билан мурожаат этиши лозим. Канадада хусусий мактабларга болаларни жойлаштириш учун катта рақобат мавжуд. Ҳатто, шундай мактаблар борки, уларга ота-оналар хали тугилмаган боласини рўйхатдан ўтказиб қўяди.

Канада олий ўқув юртлири мутасаддилари Интернет портали орқали умумтаълим мактабларида билим олаётган ўқувчиларни кузатиб борадиган ва салохияти юқори бўлган болаларни ўқишга тақлиф қилади.

Отабек ОТАЁРОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

2014-yil 22-yanvar, № 7 (8656)

АСАЛАРИЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ ЙЎЛИДА

Сўнгги вақтларда дунё микёсида асалариларнинг оммавий равишда ўз уясини тарқ этиши ва қирлиши кузатилмоқда. Айрим мамлакатларда бу ҳолат асаларилар популяциясининг 50 фоизини ташкил этмоқда.

Муаммонинг жиддийлиги шундаки, асаларилар инсон ҳаёти учун зарур бўлган ўсимликларнинг учдан бир қисmini чанглатишга ҳисса қўшади.

Айни пайтда юзага келган бундай вазиятни ҳеч қим изоҳлаб бера олмаётми. Бироқ бунга қишлоқ ҳўжалигида пестицидларнинг ҳаддан зиёд кўп қўлланилаётгани, антибиотиклар, ҳаттоки, мобил алоқа сигналлари ҳам сабаб бўлмоқда, деган таҳминлар бор. Масалага ойдинлик киритиш мақсадида доктор Пауло де Суза раҳбарлигидаги бир гуруҳ австралиялик тадқиқотчилар изланиш олиб боришмоқда.

Улар Тасманияда қарийб 5000 асалари қанотлари орасига узунлиги 3 миллиметр бўлган митти датчиклар ўрнатиб, тадқиқот олиб боришади.

Асаларилар сертук жонзот бўлгани боис, дастлаб мослама ўрнатиладиган жой тукчалардан тозаланиши, бунинг учун ҳашаротлар маълум вақт музлаткича сақланиб, ухлатилиши лозим. Шундан сўнг мосламалар асаларига ўз ишини бажаришда мутлақо халал бермайдиган тарзда ўрнатилади.



зиши ҳақидаги саволларга жавоб беришди. Қатнашчиларнинг оилавий турмуши, жисмоний фаоллиги ва саломатлиги 5 баллик тизим асосида баҳоланди. Бунда уларнинг ёши, вазни, саводхонлиги, даромадлари, салбий одатлари, ижтимоий нуфузи каби омиллар ҳам ҳисобга олинди. Ўтириш учун сарфланган вақт эса — 0—4гача, 4—6гача, 6—8гача ва 8 соатдан кўп бўлган тўртта категорияга ажратилди.

Барча таҳлиллардан сўнг камҳаракат кишилар бошқаларга қараганда 13 фоиз кўп хасталикка чалиниши ёки соғлиғидан шикоят қилиши аниқланди. Узоқ вақт ўтириш, айниқса, мушаклар ва умуртка поғонаси оғришига олиб келади. Бундай пайтда моддалар алмашинуви жараёни ҳам секинлашади.


Кўп ўтирувчиларнинг семизлик, юрак-қон томир, қандли диабет касаллигига, шунингдек, ақлий заифликка ҳам мойиллиги маълум бўлди. Айни пайтда олимлар ушбу ҳолатнинг қон босими, тана вазни ҳамда холестерин миқдорининг ортishiга таъсирини ўрганишмоқда.

ЯШИЛЛИК ИНСОН РУҲИЯТИГА ИЖОБИЙ ТАЪСИР ҚИЛАДИ

Табиат манзараларини тоmosha қилиш инсон руҳиятига ижобий таъсир кўрсатиб, узок вақт тетик юришига катта ёрдам беради. Маълумки, инсон мунтазам равишда ям

яшил жойларни сайр этиб турса, руҳий чарчоқлардан фориғ бўлади.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, бундай шароитда ўзимизни жуда яхши ҳис этиб, кувноқ кайфиятни юқтириб олар эканмиз. Болалар эса диққатларини очиқ ҳавода тез ва осон жамлашлари мумкин. Идорада кун давомида ишлайдиганлар иш столидаги хонаки ўсимликлар ҳамда дереза ортидаги дарахтларни тоmosha қилиш орқали стресс ҳолатидан чиқиб кетишлари мумкин экан.



Сўнгги изланишлар ҳам ўсимлик дунёсининг руҳий хотиржамлик учун жуда катта аҳамият касб этишини кўрсатмоқда. Буюк Британиянинг Эксетер университети ходимлари айнан шу борада 1064 нафар инсонда беш йил мобайнида илмий тадқиқот ўтказишди. Бу вақтда кўнгиллардан ҳеч бўлмаганда бир маротаба яшаш жойларини алмаштириш сўралди. Яшил ўсимликлар ўсадиган ҳудудга кўчирилган инсонлар руҳий тетиклик бўйича ижобий натижани кўрсатишди, яъни ўзларини бахтиёр ҳис этишаётгани, ҳорғин ёки стресс ҳолатдан қутулишганини таъкидлашди.

Тадқиқотчилар натижаларга таянган ҳолда бундай кайфият инсонларни узок вақт, камида уч йил тарқ этмаслигини таъкидлашмоқда. Шунингдек, яшиллик инсонларнинг нафақат фикрни жамлаш ёки руҳий хотиржамликка эришиши, балки қийин вазиятларда тўғри қарор қабул қилишига ҳам кўмак беради.


МИЯ УЧУН 13 МИЛЛИСИОНА КИФОЯ

Массачусетс технология институти неврологларининг аниқлашича, атиги 13 миллисония ичда инсон миёси кўз орқали қабул қилган барча маълумотларни таҳлил этиб, "ишлов бериш" қобилиятига эга экан. Ушбу хулоса ҳодисанинг жуда тез содир бўлишини кўрсатмоқда. Шу пайтгача эса бу кўрсаткич 100 миллисониядан иборат деб қаралар эди.

Янги тажрибада иштирокчилардан сайр қилаётган, қулаётган инсонларнинг бтадан 12тагача суратларини топиш сўралди. Улар 13—80 миллисония оралиғида тасвирларни фарқлай олишди. Оралиқ вақт босқичма-босқич камайтириб борилди.

Тадқиқотчилар кейинги синовларда тўғри жавоблар сони камайиб боради, деган таҳминда эдилар. Натижа эса аксинча, вақт қисқариб боргани сари яшиланиб бораверди: 40 миллисония натижа 13 миллисонияга яхшиланди. Бу эса маълумотларнинг жуда қисқа вақт ичда кўз пардасидан ўтиб, миёга етиб боришини кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, 13 миллисония ичда инсон миёсининг тасвирни таҳлил қилиши энг юқори тезлик.

С.РУСТАМОВ, Ҳ.УСМОНОВА тайёрлади.



Шимолий Атлантика ва шимолий-шарқий худудларда кузатилаётган қучли қор бўронлари туфайли Колумбия округи ва пойтахт Вашингтонда давлат ташкилотлари, таълим муассасалари фаолияти тўхтатилган.

АҚШнинг Пенсильвания штатидаги Вайденер университети худудда содир бўлган отишма оқибатида бир нафар талаба жароҳатланган, бошқа талабаларга маълум вақт ўқув биносини тарқ этмаслик тавсия этилган.

Норвегия фарбидаги Лердалсейри шаҳарчасида юзага келган ёнғин ЮНЕСКО маданий мероси рўйхатига киритилган XVII-XIX асрларга оид 20дан зиёд қадимий уйлarning буткул ёниб кетиши, 1150 кишининг эвакуация қилиниши ва 90 кишининг тутундан заҳарланиб шифохонага мурожаат этишига сабаб бўлган, ҳодиса жойида 100дан зиёд ўт ўчирувчи 8 соат давомида офатга қарши кураш олиб борган.

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги Бронкс туманида цемент ортилган юк автомобилнинг тураржой биносига келиб урилиши оқибатида ҳайдовчи ҳаётдан қўз юмган, 5 киши жароҳатланган.

Австралия жануби-фарбидаги Викториа ва Янги Жанубий Уэльс штатларида бир вақтнинг ўзида 93та худудда рўй берган ўрмон ёнғинлари оқибатида 130 минг гектардан зиёд ўрмон, 25дан ортиқ хонадонлар ёниб кетган, табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишларига 900 нафар ўт ўчирувчи ва кўнгилчилар жалб қилинган.

«Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, АҚШнинг Небраска штатининг Омахе шаҳридаги ҳайвонлар учун озуқа ишлаб чиқариш заводида рўй берган портлаш оқибатида икки нафар ишчи ҳалок бўлган ва яна 17 киши жароҳатланган.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати, жамоат ташкилотлари, табиёт фанлари факультети «География ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси доценти геология-минералогия фанлари номзоди **Анвар ҚУРБОНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-услубий ҳужжатларни такомиллаштириш бўлими бошлиғи Диёрбек Қўчқоровга падари бузрукворни **Улугбек ота Қўчқоров**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорати ва жамоат ташкилотлари «Чизмачилик ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси профессори **Раҳматулла ИСМАТУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия ихлоқ қилади.

СУВ ОСТИДА НАФАС ОЛИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ



Маълумки, Ер юзининг 71 фоиз қисмини океан ва денгизлар ташкил этади. Сувости оламнинг гўзал табиати, унинг бойликлари инсониятни қанчалик ўзига жалб этмасин, сувда нафас олиш имконининг йўқлиги унинг гўзалликларидан тўла баҳраманд бўлишга тўсиқ бўлар эди. Тўғри, сув остида нафас олишга ёрдам берувчи турли мосламалар яратилган. Бироқ улар ҳам чекланган миқдорда ёрдам бера олади, ҳолос.

Сув остида нафас олишга ёрдам берувчи оригинал шаклдаги респиратор конструкциясини ўзида мужассамлаштирган «Тритон» деб номланган янги мослама яратилди. Ушбу мослама балиқ жабрасига ўхшаб сувдан кислородни ажратиб беради.

Кореялик олимлар томонидан ишлаб чиқарилган респираторнинг ишлаш механизми куйидаги технологияга асосланган: ингичка толаралардан ташкил топган махсус фильтр сув молекулаларини тўтиб қолиб, ўзидан фақатгина кислородни ўтказиши. Мини-компрессор эса кислородни кичик резервуарга жамлайди. Бу ердан кислород нафас олиш учун йўналтирилади. Мазкур мосламадаги ягона камчилик ҳозирча компрессорга қувват бериб турувчи аккумулятор билан боғлиқ. Келгусида янада такомиллаштирилган аккумулятор «Тритон»нинг самарали ишлашини таъминлайди.

КЎП ЎТИРИБ ИШЛАМАНГ, КАСАЛ БЎЛАСИЗ!

Мутахассислар юмшоқ курси ёки столда узок муддат ўтириш инсон умрини бир неча йилга қисқартиришини исботлашди. Бу ҳолат кейинчалик хавфли хасталикларга ҳам олиб келиши мумкин.

Мутахассислар Ричард ва Сара Розенкранцлар Австралида ўтказилган изланишлар натижасини таҳлил қилиб чиқишди. Мазкур тажрибага 45 ва ундан катта ёшдаги 267 минг киши жалб этилди. Тадқиқот вақтида қатнашчилар жисмоний фаоллик даражаси ва кун давомида қанча вақтини ўтирган ҳолда ўтка-



Гурун

СОФИНЧ

Дугонамга мактуб

Сени ўйлаб соғинч-ла яшаш яхши. Гоҳо тунларнинг кўзлари ёригунча хаёлан сен билан сўхбатлашаман. Ғамга ботган кезларимда, билсанг, сени кўрсайман. Йўлларимиз айри туш-гач ўтган шу йиллар минг йилдай туюлади гўё. Бироқ, хамиша офтобдан қорайган кадрдон чехранг йўлдошу, таскинбахш сўзларинг менга ҳамнафас бўлганини сен билсанг эди. Сен билсанг эди — юрагимни фақат сенга ёрганимни, дардларимни ёлғиз сенга айтганимни...

Ўқишга келган кунимдан бошлаб сеннингдек дилдош, сунячиқ ахтардим. Сенингдек... Бироқ, кўрдимки, ғажуву кўчаларда сенинг ўрининг бўш. Сен бодомга ўхшайсан. Бодом кўдан йирок тоғу тошларда нур эмиб, кўкка кучоқ очиб ўсади. Демакким, бу бемонанд гўзал, катта шаҳарда...

Ўтган йили кўкларда кишкқодан қайта туриб, навнихол бодомни атай кўчириб келдим. Кейин уни ёруғ тушадиган жойда — дераза олдида парвариш қила бошладим. Харчанд меҳримни бёрмай, япроқлари сўлди. Бир куни

не кўз билан кўрайки, яшилганиб барк ураётгандек. Сўнг қовжираб, тўкилдилар. Шунда билдимки...

Сенинг бахтинг оламча соддалик ичра ширин ташвишлардан узилмай яшашингда экан. Эҳтимол, ўша бодом умрига мен зомин бўлгандирман. Чиройли гултувак тоғдаги бир тошчалик, меҳрим бир шамолчалик бўлгандир унга?! Эҳтимол, япроқларининг сўнгги бор яншаши — соғинчдан ёнгани туфайлидир. Ахир, инсон ҳам шундай-ку, охири нафаси чиқишдан аввал ҳаётга тўймай боқади, маҳтал бўлганининг йўлга интиқ кўз тикади.

Мен эса... Такабурлик. Чимирилган нигоҳлар. Рийкор тиллар. Андишасиз кўзлар... орасида яшаш нақадар оғир. Яхшиямки, сен борсан. Гоҳо юрагим бўшаб

қолганида хувиллаган кўчалардан кечиб, сен томон учгим, бир умр ёнингда қолгим келади. Лекин ўқиш, аспирантура... Билсанг, мен ўзим ўстирилган

бодомман, на тоғу тошдан кенгим келади, на чиройли гултувақдан...

Эсингдами — мактабни битирадиган йиллими баҳори, кўм-кўк бахмал янгли тўшалиб ётган майсалар, бойче-чаклар... Бироз чарс, лекин дили беғубор, бири- бирига ўхшамаган синфдошлар...

Этьикод ҳақидаги баҳс ва муаллимнинг ўғитлари эсингдами?

«Этьикод тилга кўчидими, билгинки, у шiorга айланади. Ўлдим, куйдим деб кўкрагига урмаганинг юрагида ҳақиқий муҳаббат яшайди». Қандай ҳақ сўзлар.

Баъзан этьикод ва муҳаббат бобидаги баҳсу мунозараларда баландларвоз сўзлар тинглашдан беэиб кетаман. Шундай пайтларда — чигит экиб, пахта теришга ҳам, кўчат ўтказиш, хамир қориш, кир ювишга ҳам, ўғлингнинг бошини эр-

калаб силашга қодир сенинг ёрилган ва дағал кўлларингни кўзларимга суртгим ва бошим узра кўтаргим, «мана этьикод, мана муҳаббат» деб ўша «до-нишмандлар»га кўрсатгим келади.

Нега бу кўлларга ҳайкал қўйилмаган?! Гоҳо менга хавас билан термулиб турганингни кўриб, галати бўлиб кетаман. Ахир, менда хавас қилгулик, эъоз-лагулик нима бор? Мен ҳам асли этьикод ҳақида баралла гапирадиганлар хилданман. Харҳолда, шундай. Буни тушунтирмоқчи бўламан-у, барибир, сен тушунмайсан. Сенинг бахтинг ҳам, бахт-сизлигинг ҳам шунда. Сен чексиз бир ишонч билан қарайсанки, бундан ўзим уялиб кетаман.

Йўлдошининг йўлларига ажаб меҳр билан термулиб турган сенинг иссиқ чехранг дунёдаги энг гўзал чехрадир.

Кун сайин, соат сайин сенга ихло-сими ошади. Ардоқлигим — сен, сунячим — сен. Ёлғиз бўлсанг ҳам шукр, эй Дўст, борсан. Сени ўйлаб, соғинч-ла яшаш яхши...

Солиха ОЛИМОВА

Donish chirog'i

Сахилик ҳар бир кишида, айниқса, агар у тавозе билан амалеа оширилса, хайрихоҳлик уйғотади.

Одамлар бир-бирларини, агар кимдир ўзини бошқа бирор билан тенглаштиришга ҳаракат қилвермаганида эди, яхшироқ билиб олишлари мумкин бўларди.

Ҳар биримизнинг табиати-мизда нимадир борки, агар уни очик айтиладиган бўлсак, атрофдагиларга ёқмаган бўларди.

бўлишганини сира ҳам кўрмаганман.

Ҳамдарлик йўқолган жой-да хотира ҳам йўқолади.

Ақлли, мулоҳазали, зехни ўтқир инсонларни қомусий лугатга қиёслаш мумкин.

Оз бўладими, кўп бўладими, барибир, инсон азоб-хузурни ҳам, оғир-енганини ҳам ўз бошидан кечиршига тўғри келади.

Олимлар бирор нимани рад қилаётганларида кўпинча тиллари аччиқ бўлиб кетади;

ГЁТЕ ҲИКМАТЛАРИ

Қор — алдамчи озодаликдир.

Ҳамроҳинг қувноқ бўлса, йўлда зерикмайсан.

Тегирмончи бор буғдойни ўзим тортаман, деб ўйлайди.

Кимки ўз умри интиҳосини ибтидоиси билан боғлай олса, у энг бахтиёр инсондир.

Мен дунёнинг фонилийидан оҳ-воҳ чекиб, арзимас ҳою-ҳавасларга бериладиган кишиларга ачиниб кетаман. Бизнинг вазиғамиз — ана шу фонилийини боқийликка айлан-тириш-ку, ахир; бунинг учун эса иккаловининг ҳам қадрига етиш лозим.

Хатони пайқаш ҳақиқатни топишдан кўра анча осонроқ, у(хато) юзада ётади, уни дарҳол кўриш мумкин; ҳақиқат эса, чуқурликда, унга етиб бориш ҳар кимнинг иши эмас.

Ирим-сирим — ҳаёт поэзияси; шунинг учун ирим-сиримларга ишониб шoir учун зиён қилмайди.

Ношукурлик ҳаммиша оғиз-ликнинг бир кўринишидир. Ишчан одамларнинг ношукур

хато қилаётган киши уларга ашаддий душман бўлиб кўри-нади.

Гўзаллик ҳеч қачон ўз ус-тидан ўзи хулоса чиқара ол-майди.

Хатолар ишда доимо так-рорланиб туради, шунинг учун ҳақиқатни сўзда ҳормай-тол-май такрорлаб туриш керак.

Тарихчининг бурчи ҳақиқатни ёлғондан, аниқлик-ни ноаниқликдан, дарғумонлик-ни номақбулликдан фарқлай олишидир.

Йилномани, кимга ҳозирги замон аҳамиятли бўлса, ўша одам ёзади.

Таржимонларни серғайрат, тиниб-тинчимас совчиларга ўхшатишнинг келди; улар бизга ярим пинҳон гўзалликнинг мақ-товини келтириб, уни юксак даражада ёқимли қилиб кўрсат-тадилар: улар аслиятга зўр, кучли иштиёқ уйғотадилар.

«Умид — омадсизларнинг иккинчи қалбидир».

Фикрлар қайтиб келаверади, эътиқодлар авлоддан-авлодга ўтаверади; фақат ҳолатларини қайтмас бўлиб ўтиб кетади.

ТУГМА

Топилмалар столига бир киши тугма кўта-риб киради:

КИШИ: — Ассалому алайкум, шу ер топил-малар столими?

ҚИЗ: — Ҳа.

КИШИ(тугмани стол устига қўйиб): — Мана!

ҚИЗ: — Бу нима?

КИШИ: — Тугма! Аёллар пальтосининг туг-маси.

ҚИЗ: — Аёллар пальтосининг тугмаси экан-лигини кўриб турибман. Лекин буни нимага олиб келдингиз?

КИШИ: — Шу ер топилмалар столими?

ҚИЗ: — Столи!

КИШИ: — Топган нарсамни олиб келдим-да.

ҚИЗ: — Устимдан қулаясизими?

КИШИ: — Нега устингиздан кулар эканман?

ҚИЗ: — Бунга қўшиб, кўчада ётган бирор-та бўш гугурт қутисини ҳам олиб келмабсиз-да!

КИШИ: — Гугурт қутисини опкелишим керак-миди? Билганимда опкелардим.

ҚИЗ: — Раҳмат! Катта раҳмат! Жуда ҳалол одам эканлигингиз кўриб турибди. Тугмангиз ўзингизга сийлов. Ҳазилингиз кулгили чиқма-ди!

КИШИ: — Топган нарсани топилмалар сто-лига олиб келиш сизларда ҳазил дейиладими?

ҚИЗ: — Бир донагина тугма олиб келиб, овора бўлмасдан, унга тегишли пальтониям ола келмабсиз-да!

КИШИ: — Пальтони топмаган бўлсам, қан-дай олиб келаман?

ҚИЗ: — Яна гапимни тушунмадингиз! Бир донагина тугмага овора бўлсиз, демоқчий-дим.

КИШИ: — Сизнингча, бир дона эмас, бир вагон тугма келтиришим керакмиди?

ҚИЗ: — Ўзи галати одам экансиз-у! Бу од-

дий пластмасса тугма бўлса, олтин ёки плати-на бўлганида бошқа гап эди...

КИШИ: — Ҳозирча олтин ё платина тугма топмадим. Топсам, албатта, опкеламан!

ҚИЗ: — Яхши, тушундим. Ҳозир бу топилма-ни протоколлаштираман. Лекин бу арзимас ма-тоҳни биров сўраб келишига ишонмайман.

КИШИ: — Чунки сиз собиқ хотинимни бил-майсиз-да!

ҚИЗ: — Бунга собиқ хотинингизнинг нима дахли бор?

КИШИ: — Бу тугма хотинимнинг пальтосидан тушиб қолган. Тўғрироғи, менинг уйимда туши-риб қолдирилган.

ҚИЗ: — Унда бу қуриб кетгур тугмани хоти-нингизга ўзингиз бериб қўя қолмабсиз-да?

КИШИ: — Нега энди ўзим берар эканман? Туг-ма керак бўлса, ўзи шу ерга келиб олиб кетсин!

ҚИЗ: — Қаердан келади?

КИШИ: — Намангандан! У ҳозир Наманган-да, онасиникида яшайди!

ҚИЗ: — Наманганда, онасиникида яшаса, туг-маси топилганини қаёқдан билади?

КИШИ: — У шу тугмани деб устимдан неча бор шикоят ёзди! Ниҳоят, уни уйдан топиб, На-манганга телеграмма юбордим.

ҚИЗ: — Битта тугмани деб хотинингиз шунча жойдан келишга ишонмайман!

КИШИ: — Мен ишонаман!

ҚИЗ: — Мен ишонмайман!

КИШИ: — Бекор қиласиз! У ташқарида, туг-мани сизга топширишимни қутиб турибди!

(Ташқарида аёл кишининг шангиллаган ово-зи эшитилди.)

АЁЛ: — Қани менинг йўқотган тугмам! Онам келинлигимда кийдирган пальтонинг тугмасини сен ярамасга қолдирмайдан!

КИШИ: — Ана, тугманнинг эгаси келаяпти.

Исломул МЕХМОНКУЛ

Naql

қозони безовта бўлиб, боши ай-ланди, кўнгли айниб, ерга етиб қайт қила бошлади. У тўсатдан ичида қон-қора бир майда илон-нинг чиқаётганини кўриб хил-ратдан донг қотди.

Шу пайт йўловчи:

— Худога шукр, қутулдинг, — деди.

Илон ютган одамнинг фикри бирдан ўзгариб, хижолат тор-тиди. Қанчалик марҳамати инсон-нинг ёнида турганлигини кейин тушуниб етди ва ундан кечирим сўради.

Ҳисса

Ҳаёт ҳам шундай. Айрим одамлар эзгулик ва бебаҳо неъматлар қадрини билмай, ёмон гумонга борадилар. Баъзи-бир қаттиқ гап ва калтақда шифо бўлади. Боласини тарбия учун урганга савоб, азоб бериш учун урганга жазо берилади. Қароқчининг пичоғида ўлим, шифоқорнинг пичоғида эса ҳаёт бор. Пичоқни кимдир яхшиликка, кимдир ёмонликка ишлатади.

Қиссадан ҳисса шуки, яхши инсоннинг сўзларида шифо бор.

2014-yil 22-yanvar, № 7 (8656)

МУРАББИЙНИНГ МАҲОРАТ ДАРСИДА

мураккаб машқлар содда усулда тушунтирилди

Енгил атлетика гўзаллики тарғиб қилувчи спорт тури. У саломатлики яхшилабгина қолмай, куч, ирода, чаққонлик каби жисмоний сифатларни ҳам камол топтиради. Енгил атлетика машқлари кундалик ва мунтазам ташкил этилиши ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий қobiliяти ривожланишига таъсир кўрсатувчи муҳим омил.

Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси томонидан болалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, дарсларда ҳаракатли ўйин, енгил атлетика машқларидан унумли фойдаланиш, мураббийлар малакасини ошириш мақсадида Чилонзор туманидаги 228-умумий ўрта таълим мактабида "Болалар енгил атлетикаси" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Тадбирда енгил атлетика бўйича мураббийларга мутахассислар томонидан ўқувчилар билан машғулот ўтказишнинг замонавий назарий методларида оид зарур тавсия ва маълумотлар берилди. Хусусан, хорижда тажриба орттириб кайтган мутахассис Виталий Жудронинг маҳорат дарсида 7—12 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида кичик мусобақа ўтказиш тажрибаси амалий синовдан ўтказилди.

Икки кун давом этган семинарда жисмоний тарбия ўқитувчилари, мураббийлар дарсларни янада самарали ва қизиқарли ташкил этиш усуллари билан танишишди.

— Тадбирда боланинг жис-

моний имкониятини ҳисобга олиб енгил атлетикага жалб этиш, мураккаб машқларни ҳам содда усулларда тушунтириш методикасига оид билим ва кўнилмага эга бўлди. Енгил атлетика машқлари ўқувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлайди, жисмоний ва ақлий фаолиятини ўстиради, маънавий камолотини юксалтиришга ҳам хизмат қилади, — дейди 228-мактаб мураббийи Людмила Безруцова.

6-синфлар ўртасида ўтказилган мусобақада болалар узоқликка сақраш, кросс, қисқа ва узоқ масофага югуриш каби машқларни катта қизиқиш билан бажардилар. Боиси, машқлар ноодатийлиги, қизиқарли ва фойдалилиги, мусобақа тарзида ўтказилгани билан ўқувчиларга ёқди.

Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси томонидан ўтказилаётган бундай тадбирлар мазкур спорт турининг кенг оммалашшига, болалар ва ўсимирлар ўртасида кенг тарғиб қилинишига ва, энг асосийси, мураббийларнинг амалий фаолиятига ижобий таъсир этмоқда.

Одина ҚУЛМУРОДОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Юртдошларимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт-соғломлаштириш тадбирлари орқали саломатликларини тиклашга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» мусобақасининг бу галгисига Қарши шаҳридаги "Насаф" стадиони мезбонлик қилди.

АҲИЛ СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ

Мусобақада транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари иштирок этди. Мурасасиз тарзда ўтган баҳсларда сирдарёлик Валиқул Бобоев оиласи ғолиблар қаторидан жой олди.

— Мусобақада иштирок этиб, совриндор бўлганимиз ҳамда вилоятимиз, меҳнат жамоамиз ва оиламиз шаънини муносиб ҳимоя қилганимиздан бехад мамнунми, — деди Гулистон қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунаар коллежи ўқитувчиси Дилфуза Бобоева. — Бу ютук оиламиз учун ҳам жуда қадрли. Чунки мусобақа бизни янада аҳиллаштирса, муваффақият спортга муносабатимизни мустаҳкамлайди.

Чиндан ҳам, бундай мусобақалар оила муҳитига таъсир этади. Айниқса, болаларнинг спорт билан дўст тутинишига туртки беради. Бу эса соғлом бола тарбиясида муҳим аҳамиятга эга.

Озода МАМАДҲАЛИЕВА

Shaxmat saboqlari



Сабоқларни спорт устаси, мураббий Маматқул Хайлаев олиб боради

РУХ БИЛАН МОТ ҚИЛИШ

18-дарс

Рухларнинг бири ўнгадир,
Бириси — сулда,
Бирок фикру мақсадлари
Энг тўғри йўда.

ЧИЗИҚЛИ МОТЛАР

Аввалига икки рух билан мот қилиш йўлини кўриб ўтайлик. Икки рух шохни ўз шохининг ердасисиз ҳам мот қила олади (49-шакл)

1. Pa1-d1!
Яхши юриш. Рақиб шохни «h» четки йўлагига яқин. Шу томонга таъкиб бошланади. Ҳозир «d» йўлига «қирқиб» қўйилади.

1. ... Шe5-e4
2. Ph2-e2+ Шf4-f3
3. Pe2-e8 Шf3-f2
4. Pd1-d7!

8-қаторга бошқа рух бор. Иккинчи рух унга ҳалақит бермаслик учун 7-қаторга туриб, йўлак «қирқиб» давом этади. Шахматда сипоҳлар бир-бирларига ердэм бериши зарур.

4. ... Шf2-f3
5. Pd7-f7+ Шf3-g4
6. Pe8-g8+ Шg4-h5
7. P7-h7x.

Рухлар галма-гал кишт бериб, қора шохни четки йўлакка сиқиб келди. Бу мот чизиқли мот дейилади. Чунки руҳлар тўғри чизиқлар бўйлаб ҳаракат қилади.

Бошланғич вазиятда қора шохни 8-қаторга «қувиб» мот қилса ҳам бўлади. Буни ўзингиз синаб кўринг.

Ёлғиз шохни битта рух билан мот қилиш мураккаброқ. Унда шохнинг ердасига таянқлади. Мот га галидек тахта четиди қўйилади. Лекин шохни қандай қилиб «қувиб» бориш мумкин? Бунинг учун «қарши ҳолат» (оппозиция) усулидан фойдаланамиз.

ҚАРШИ ҲОЛАТ — икки шохнинг бир-бирига йўлак, қатор ёхуд қўя йўлак бўйича қарама-қарши вазиятда туришлар. Агар шохлар орасида бир қатак мавжуд бўлса, яқин қарши ҳолат ҳисобланади. Агар оралиқда 3 ёки 5 қатак бор бўлса, узоқ қарши ҳолат дейилади.

30-шаклда шохлар қарши ҳолатда турибди. Айнан мана шундай вазиятларда яқка рух «кишт» бергани маъқул.

1. Pb1-b5+
Бундай вазият яқка рух билан мот қилиш учун ўзига хос «калит»дир. Энди қора шох тахта чети томон бир қатор чекинишга мажбур.

1. ... Шe5-f6
Қора шох қарши ҳолатдан бериўла қочмоқда. Энди рух b6 хонасидан кишт берса, яна бешинчи қаторга ўтилади.

2. Шe3-e4! ...
Бу юришда гап кўп. Оқлар қора шохни қарши ҳолатда туришга мажбур қилмоқчи. Сехрли «от юриш» усули яна иш бермоқда.

2. ... Шf6-g6
3. Шe4-f4! Шg6-h6
4. Шf4-g4 Шh6-g6

5. Pb5-b6+ Шg6-f7
6. Шg4-g5! Шh7-e7
7. Шg5-f5 Шe7-d7
8. Шf5-e5 Шd7-c7

Таъкиб давом этмоқда. Ҳозир рух ҳамла қилинган. Рух узоқда тургани маъқул.

9. Pb6-h6! Шc7-d7!
10. Ph6-g6!

«От юриш» ҳолати сақлаб қолинди. Қутувчи юриш шох беришдан афзал.

10. ... Шd7-c7
11. Шe5-d5 Шc7-b7
12. Шd5-c5 Шb7-a7
13. Шc5-b5 Шa7-b7 (қарши ҳолат!)

14. Pg6-g7+ Шb7-a8
15. Шb5-b6 Шa8-b8

Шох охириги қаторда. Мот қилса бўлади.

16. P7-g8 x.
Бу қондан ёлда тутинг. Агар кучли томон 50 юриш давомда ёлғиз шохни мот қила олмас, унинг дуранг натижа билан яқунланган ҳисобланади. Шу боис бекорчи юришлар қилишдан тийилиш зарур. Мақсадли, режали ўйин ғалаба келтиради.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Рух билан мот қилиш режасини тузинг.
2. «Қарши ҳолат» нима?
3. Бир томондан шох ва рух, иккинчи томонда ёлғиз шох қолган турли вазиятларни тахтага териб, шерилингиз билан ўйнаб кўринг. Бир гал кучли, иккинчи гал кучсиз томонни бошқаринг.
4. Қуйидаги вазиятларда икки юришда кучсиз томон мот бўлади. Шунинг топинг.
а) Оқлар: Шd6, Pe3, Қоралар: Шe8.
б) Оқлар: Шe4, Қоралар: Шd6, P8, Pa1.
Юришни кучли томон бўлайди. Вазият ва юришларни ёзиб бориңг.



«Шахмат менга ихлом беради, яхши дам оламан. Ана шунинг учун ҳам мен шахматни қадрлайман».

Д.ШОСТАКОВИЧ

Taklif

«ЯШИЛ ЧИРОҚ» ЯНА ҚАЙТА «ЁНСА»

Республикамиз бўйлаб ўтказилган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» давомиде таълим муассасаларида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларни турли фалокатлардан асраш борасида кенг тарғибот ишлари олиб борилди.

Бугунги кунда мактабга таълим муассасаларидан бошлаб болаларга йўл ҳаракати қондалари ўргатилмоқда. Тарбияланувчилар билан светорасмини чизиш, йўл ҳаракати қондаларини ўрганиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилиб, уларда илк тушунар ҳосил қилиб борилмоқда.

Ўқувчиларнинг ҳам мактабларда ташкил этилган светорасмини чизиш, мактаб автомайдонида дарсдан сўнг гуруҳ-гуруҳ бўлиб йўл ҳаракати

қондаларига оид билимларни ўрганиши йўлга қўйилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги посбонлари билан учрашувлар, амалий машғулотлар ўтказилиб, билимлари мустаҳкамлаб борилди. Бу тадбирлар ўз самарасини берди, албатта.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Авваллари телевидение орқали ўқувчи ёшларнинг бу борадаги билимларини оширишга хизмат қилувчи «Яшил чирок» кўрсатуви бериб борилар эди. Аммо сўнгги пайтларда бу

кўрсатув негадир намоиш этилмапти.

Бугун болажонлар учун газета ва журналлар чоп этилмоқда, алоҳида «Болажон» телеканали фаолияти йўлга қўйилди. Телерадиокомпания қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда болаларнинг сеvimли кўрсатувини «Болажон» телеканали орқали яна йўлга қўйса, нашрларда алоҳида рух остида материаллар бериб борилса, яхши бўлар эди. Ишонамизки, бу орқали кичик-кичинтойлар ўзларининг сеvimли телеканалда ёки нашрида яна бир қизиқарли янгилкини кашф этишади.

Санжар МИРСОЛИХОВ,
Тоҳир МУЛЛАБОВЕВ,
фахрий педагоглар

ШОВВОЗ ШАХМАТЧИЛАР

Абдулла билан Аҳмад,
Уйнар эдилар шахмат.
Тахта узра қизир жанг,
Кузатиб мен ўйинни
Бўлиб қолдим хангу манг.
Улар фоят мамнун, шод,
Фил суриб, дер бири: пот,
Иккинчиси суриб от,
Томни бошга қўтариб,
Бақриб дер: бўлдинг мот.
Пиёда, рух, от ва фил,
Фарзин энг зўр сипоҳ, бил.
Ҳар бирининг бор йўли,
Ҳаммаси юрмас бир хил.
Аммо-чи, бу шоввозлар,
Тошни кўзга илмаскан,
Ростини айтсам, улар
Шахмат ўйинин билмаскан.

Очил ТОҲИР

ОНА ЮРТ ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 76-умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

«Жасур ва толмас йигитлар» деб номланган тадбирда мактабнинг 9-синф ўқувчиларидан иборат «Ватан посбонлари» ва 8-синф ўғил-қизларидан тузилган «Қалқон» жамоаси беш шарт бўйича мусобақалашди. Қизларди беллашувда 9-синф ўқувчиларига омад кулиб боқди.

Ғолиб жамоа ва фаол ўқувчилар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ва мактаб раҳбариятининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ўқтам МЕЙЛИЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

O' T I S H

B A L L A R I



SEN O'QISHGA
KIRISHGA TAYYORMISAN?

MENING SHAHRIM.
TA'LIM -
MENING REPETITORIM!

10 ta fan bo'yicha
TESTLAR
o'zbek va rus tillarida

Guvohnoma №005067-03

(99871) 283-23-79, 283-39-34, www.mg.uz

SHAHNING

МАЗМУНЛИ БОЛАЛИК

Навий виллоятининг Кармана туманидаги "Баркамол авлод" болалар марказида моҳир қўллар, бичиш-тикиш, дизайнлик, тўқувчилик, мунчоқли безак тўгараклари фаолият курсатмоқда.

10 нафар педагог ўтказайётган машғулотларда 120 ўғил-қиз хунар кўникмаларини катта қизиқиши билан ўрганаётир. Улар орасида нуфузли кўрик-танловлар, кўргазмаларда муваффақиятли қатнашиб келаётган ёш иқтидор эгалари кўп. Марказда яна бир неча тўгарак фаолиятини йўлга қўйишга ҳозирлик қўрилмақда.



Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ma'rifat

TA'SIS
ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Mirzakarim XUDDIYEV, Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. F-126
Tiraji 66649.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriq qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Liliya BINASHEVA,
Timur KAYSAROV.

Navbatchi muharrir:
Hulkar TO'YMANOVA.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi.

Korxonada manzili:

«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 20.30
Topshirildi — 21.00